

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРЖИМОНЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**ТИЛЛАР ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**ФРАНЦУЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ  
ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРЖИМОНЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**ТИЛЛАР ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**ФРАНЦУЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

**УМУМИЙ СОАТЛАР СОНИ: 40 соат**

Шундан:

Маъруза: 20 соат

Амалий машғулот: 20 соат

Бакалавриатнинг 5220100 – филология  
(француз тили) таълим йўналиши учун

Тузувчи: доцент Абдушукрова З.И.  
Тақризчи: п.ф.д., профессор Саттаров Т.К.

Кафедранинг 29 август 2010 йил йиғилишида № 1 баённома асосида  
тасдиқланган ва Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
тавсия қилган “Фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлашга  
эслатма (Тошкент - 2010)” бўйича қайта ишланган

# **1 – Маъруза**

## **I. Мавзу: Чет тили ўқитиши методикаси назарий асослари**

### **II. Режа**

1. Чет тили ўқитиши методикаси – фан сифатида
2. Чет тили ўқитиши методикасининг предмети.
3. Умумий ва хусусий методика.
4. Методиканинг илмий тадқиқот методлари.
5. Асосий методик тушунча (категориялар) лар.
6. Чет тили ўқитиши методикасининг ўрганадиган масалалари.

### **III. Маъруза мазмуни**

Маърузада чет тили ўқитиши методикаси фанлиги, унинг фан бўлиши учун ўқиши предмети, методикани илмий тадқиқот методлари, асосий методик тушунчалари: принцип, – тамойиллари, метод, йўл, усуллари машқлари мавжудлиги хақида сўзланади, хамда чет тиллар ўқитиши методикасининг шуғулланадиган масалалари баён қилинади.

#### **3.1 Маърузани баён қилишга тайёргарлик.**

Талабалар жойлашиши, тинглашга тайёргарлиги, дафтар, ўкув воситаларини мавжудлиги кузатилади.

#### **3.2 Маърузанинг ўқилиши ва талабаларнинг тинглаши, фикри сўралади.**

### **IV. Якун**

### **V. Таянч сўзлар, атамалар**

### **VI. Текшириш учун савол, топшириклар**

### **VII. Адабиётлар**

1. Ҳозирги пайтда чет тиллар ўқитиши методикасига чет тиллар ўқитишининг мақсадлари ва мазмуни, қонуният, метод, воситалари, йўллари, усуллари, таълим тизимини ўрганиш ва ўргатиш билан шуғулланувчи, шунингдек чет тили ёрдамида ўкувчиларни тарбиялашни амалга оширувчи фан сифатида қаралмоқда.

Ўрта мактабда чет тиллар ўқитиши методикаси ўз предметига эга. Чет тиллар ўқитиши методикасининг предметини чет тили ўқитиши жараёни ва ўқиб келаётган ёш авлодни чет тили орқали тарбиялаш ташкил қиласди.

2. Чет тиллар ўқитиши методикаси умумий ва хусусий методикага бўлинади.

Умумий методикада ҳамма чет тилларига таалуқли бўлган таълим принциплари муҳокама қилинади. И.В.Рахмонов, В.С. Цетлин таҳрири остида нашр қилинган ва ўзбек тилига ағдарилган «Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишининг умумий методикаси» ва Р.А. Зарипованинг «Чет тиллар ўқитиши методикасидан қўлланма» Ж. Жалоловнинг “Чет тили ўқитиши методика” ларини умумий методика деб хисоблаш мумкин.

Хусусий методика битта чет тилини ўқитиши масаласи билан шуғулланади.

Бунга Г.В.Рогованинг, Андреевская Левенстерннинг “Француз тили ўргатиши методикаси” қўлланмалари мисол бўла олади.

3. Маърузани иккинчи ўқишига ва тинглашга тайёрланиш.

1 – қисм бўйича қўйидаги саволлар сўралади:

А) чет тили ўқитиши методикаси нима сабабдан фан?

Б) чет тили ўқитиши методикасини фан бўлиши учун сиз яна нималар қўшасиз?

3.1 Маърузанинг 2 – қисмини ўқиши ва тинглаш.

4. Чет тили ўқитиши методикасида илмий тадқиқот (текширув) методлари мавжуд: мактаблардаги чет тиллар тажрибасини танқидий ўрганиш, чет тиллар ўқитиши илғор ва маҳсулдор тажрибалари умумлаштиришни, ўқитувчилар машғулотларини кузатиш, сухбатлар ўтказиш, тажриба ва экспериментлар ўтказиш, тестлар ўтказиш, хронометрлаш, анкета саволларига жавоб бериш, осциллографик тахлил қилиш методлари ва х.з.лар.

Маълумки, тажриба ва эксперимент ўзаро фарқланади. Тажриба ойлар ва йиллар мобайнида тўпланса, эксперимент бирор янги мавзу, метод, усул, машқ ёки илмий фаразни синайди, тадқиқ қиласди.

5. Чет тиллар ўқитиш методикасининг тушунчалари ёки категориялари бор. Улар методиканинг тамойил, метод усул, йўл, ўқитиш тизимидан иборат. Бу методик тушунчалар ёки категориялар бир – бири билан боғлик, бир бирини тўлдиради. Хар бир фан ўзи амал қиласдиган тамойилларга эга. Шу жумладан методика фанининг ҳам қўллайдиган тамойиллари бор.

Тамойил таълим – тарбия беришда риоя қилиниши лозим бўлган қонуниятлар, йўл-йўриклар ва раҳбар кўрсатмаларидан иборатdir.

Методик ўқитиш усулларининг йифиндиси ва методикадаги бутун бир йўналиш сифатида қаралади.

Чет тиллар ўқитишнинг воситалари эса ўқув жараёнида таълим – тарбияни амалга оширишда қўлланадиган ўқув методик куролларни ўз ичига олади.

Бундай воситалар чет тиллар ўқитиш ва ўрганишни енгиллаштиради. Методика фанида қўлланадиган метод, йўл, усул, тамойилларнинг йифиндиси методик тизимни ташкил қиласди.

6. Чет тили ўқитиш методикасининг асосий ўрганадиган масалалар:

- чет тили ўқув предмети эканлигини аниқлаш яъни мақсад, истакларни белгилаш ёки нима учун, нима мақсадда чет тили ўқитилишини аниқлаш
- ўқитишнинг мазмунини белгилаш яъни олдимизда қўйилган мақсадга етиш учун нимани ўргатиш лозим ва улар билан нима қилишга ўргатиш.
- ўқитувчининг ўқитиш фаолиятини ўрганиш;
- ўқувчининг ўқув ўрганув фаолиятини ўрганиш.

#### **IV. Якун**

Сизларга ўқилган ва сиз тинглаган маърузадан билдингизки «Чет тиллар ўқитиш методикаси» фан экан

Фан бўлиши учун унинг предмети, илмий тадқиқот методлари зарур экан.

1. Маъруза режасидаги хамма масалалар ёритилдими? Фикрингиз қандай?
2. Яна маъруза мавзусида нималарни ёритсак маъқул кўрасиз?
3. Маърузани тушундингизми? Саволлар бўлса сўранг.

#### **V. Таянч сўз ва сўз бирикма (атама) лари.**

1. Методика, предмет, ўқитиш жараёни.
2. Илмий тадқиқот методлари.
3. Методик тушунча (категория) метод, йўл усул, машқ.
4. Умумий, хусусий методика.
5. Ўқитувчи фаолияти.
6. Ўқувчи фаолияти

#### **VI. Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

1. Чет тиллар ўқитиш методикаси назарий асосларига нималар киради?
2. Чет тиллар ўқитиш методикасини нима сабабдан фан дея оламиз?
3. Чет тиллар ўқитиш методикаси методик тушунчаларига нималар киради? Номларини айтинг.
4. Чет тиллар ўқитиш методикасига илмий тадқиқот методлари нима учун керак?
5. Қандай илмий тадқиқот методларини кўриб чиқдик?
6. Чет тиллар ўқитиш методикаси қандай масалалар билан шуғулланади?

#### **VII. Адабиётлар:**

1. Ж.Жалолов – Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент 1996 й.
2. Н.Д.Гальскова – Современная методика обучения иностранным языкам. Москва 2000 й.

## **2 – Маъруза**

### **I. Мавзу: Чет тиллар ўқитиши методикасининг асоси ва яқин фанлар билан алоқаси**

#### **II. Режа**

- 1) Чет тили ўқитиши методикасининг яқин фанлар билан алоқасининг аҳамияти, зарурлиги.
- 2) Методиканинг лингвистик негизидаги фанлар билан алоқаси.
- 3) Методикани психологик негизидаги фанлар билан алоқаси
- 4) Методиканинг дидактик негизидаги фанлар билан алоқаси.
- 5) Методикани фанлар билан алоқасини таъсири.

#### **III. Маъруза мазмуни.**

Чет тиллар ўқитиши методикасининг бошқа фанлар билан алоқасини зарурияти аҳамияти, сабабларини ёритиш, кўрсатиш.

Чет тиллар ўқитиши методикасининг алоқа қиласиган фанларни кўрсатиш, айтиш.

Лингвистик негиздаги фанлар билан алоқаси.

Психологик негиздаги фанлар билан алоқаси.

Дидактик негиздаги фанлар билан алоқаси.

Ўрта негиздаги фанлар номлари тўғрисида гапириш. Уларнинг нималарга таянишини, чет тиллар ўқитиши методикасига таъсирини мисоллар билан тушунтириш.

#### **3.1 Маърузани баён қилишга тайёргарлик.**

Талабалар жойлашишини, тинглашга тайёргарлигини ўқув воситалар (дафтар, ручкалар) нинг мавжудлиги кузатилади. Диққат маъруза мавзусига қаратилади.

#### **3.2 Маърузанинг 1 қисмини ўқилиши ва талабаларнинг тинглаши (25 минут), сўнг тинглаган маъруза бўйича талабаларнинг фикрлари сўралади.**

#### **3.3 Маърузанинг 2 қисмини ўқилишига тайёргарлик.**

Талабаларни тинглашида, воситаларни тайёргарлигини кузатиш, диққатларни маърузага қаратиш.

#### **3.4 Маъруза 35 минут ўқилади.**

Маърузанинг 2 қисми буйича фикрлар сўралади.

#### **IV. Якун**

#### **V. Таянч сўзлар, атамалар**

#### **VI. Текшириш учун саволлар, топшириклар.**

#### **VII. Адабиётлар**

### **Маърузани бошлаш**

#### **3.1 Маърузанинг 1 қисмини ўқилишига тайёргарлик**

#### **3.2 Маърузанинг 1 қисми 15 минутда ўтилади, ўқилади.**

I. Чет тили ўқитиши методикаси бошқа фанлардан ажralиб турмайди. У доим улар билан алоқададур. Бу алоқа уни ривожлантиради, бойитади, кенгайтиради. Методиканинг методологик асосини фалсафа (философия) ташкил қиласи. Методика унинг тилининг бирлиги фикр, жамият, хақиқатни билиши шакллари хақидаги қарашларидан фойдаланади.

II. Чет тил ўқитиши методикаси учта негиздаги фанлар билан алоқадордур:

1. Чет тил ўқитиши лингвистик асоси (негизи)ни ташкил қилувчи фанлар

2. Чет тил ўқитишининг психологик асоси (негизи)ни ташкил қилувчи фанлар

3. Чет тил ўқитиши дидактик асоси (негизи)ни ташкил қилувчи фанлар

III. Чет тил ўқитишининг лингвистик асосини ташкил қилувчи фанлар билан алоқаси

1. Методика лингвистика қонунларига таянади, чунки ўқитиш предмети тил, лингвистика томонидан ишлаб чиқлади. Унинг лингвистик асоси ўқитишни асосини негизипи ташкил қиласди. Бу негиздаги фанларга умумий тилшунослик, хусусий тилшунослик, лингвостатистика, структурал лингвистика фанлари киради.

2. Методиканинг умумий тилшунослик билан алоқадорлиги шуки, методика ундан тил ва нутқни ифодаловчи материалларни, фактларни олади, ҳамда бу фактлардан, қонуниятлардан ўзининг асосий масалаларини хал этишда кенг фойдаланади (масалан: тил-алоқа воситасидир, қуролидир). Умумий тилшунослик ўқитиш мақсадини белгилашда ёрдам беради, тилнинг ривожланиши қонуниятлардан фойдаланилади. Умуман тил хақидаги йўл йуриқларни методикага беради.

3. Хусусий тилшунослик ўқитиш мазмунини белгилашда унинг учун материал беради, таркибий қисмлари - фонетика, грамматика, лексика, орфографияларни олади.

4. Методиканинг лингвистика негизидаги фанлар билан алоқаси хилма-хилдир. Лингвистик назария методикага тил ва нутқ моҳиятини қандай тушунишни кўрсатиб беради

5. Методика лингвостатистика билан алоқада бўлиб методикага тил материалларини ёки элементларини қўлланиш даражасини аниқлашда, танлашда (частотани), тил материалларини методик мақсадда танлаб олишда, методик ташкил қилишда ёрдам беради.

6. Тил ва нутқ алоҳида ўрин тутади. Улар ўзига хос характерга, хусусиятга эгадур. Тил норматив характерга эга, унинг ҳамма бўйсунади, унинг хақиқати нутқдир, у тилнинг қонуни асосида содир бўлади. Тилнинг тузилиши жихатидан ўрганишнинг аҳамияти асосан тил материалини моделлаштириш, айниқса синтактик босқичда моделлаштириш усулини методикада қўлланилиши билан боғликдир. Методика учун тил материалини моделлаштириш (масалан тил элементларини қўлланиш чегарасини аниқлаш, контекстни ва ситуацияни белгилаш) катта рол ўйнайди. Буни методика структурал лингвистика билан алоқада билиб, ундан фойдаланади. Тилнинг ва нутқнинг ўзига хос бирлиги бор. Нутқ тилнинг реализациасидир. Методика учун нутқ моделлари структураси қизиқтиради. Уни структурал лингвистика аниқлаб беради. (Сўзни модели: негиз + қўшимча; нутқ модели: эга, кесим, тўлдирувчи.). Методика тилни ўргатишда нутқ намунасидан, моделдан фойдаланади. Нутқ намунаси оғзаки нутқни асосини ташкил қиласди. Ўқувчи нутқ намунаси асосида ўзини нутқини тузади.

7. Она тилининг таъсири лексикада, грамматикада, талаффузда, гапиришда, тинглаб тушунишда, ўқишка, ёзувда ҳам бўлади. У ҳам салбий, ҳам ижобий бўлади. Салбий таъсири шуки, ўқувчи она тилисига ўхшатиб француз тилини товушини талаффуз қилиш, французча гапни она тили грамматикасига ўхшатиб тузиши, гапириши она тили товушларига ўхшатиб хато ўқиши мумкин. Бу она тили таъсирида юзага келади, ҳато қилишга олиб келади зарарли таъсир қиласди. Буни илмий тилда интерференция дейилади. Баъзи пайтларда юқоридаги айтилган тил материаллари, нутқ фаолиятларини хусусиятлари ижобий таъсир қиласди. Буни илмий тилда транспозиция дейилади. Умуман она тили хусусиятини кўчиришни "перенос", (кўчириш) дейилади. Демак у (перенос) интерференция ва транспозицияга бўлинади. Методика француз тилини ўргатишда ташкил қилишда она тилини зарарли таъсири қилишини аниқлаш олдини олиши зарур чунки у ҳато қилишга олиб келади ижобий таъсир қилса ундан фойдаланиши керак, чунки у онгли тушунишга ўрганишга ёрдам беради.

### 3.3 Маъruzani 2 чи қисмини ўқилишига тайёргарлик

3.4 Маъruzani 2 та қисмини ўқилиши 20 минут. Сўнг маъruzанинг 2 чи қисми бўйича фикрлар сўралади.

2 Чет тили ўқитиш методикасининг психологияк негизини ташкил қилувчи фактлар билан алоқаси. Бундай фанларга умумий психология, ёш психологияси, педагогик психология, психолингвистика, чет тили ўқитиш психологияси каби фанлар киради.

1. Ўқувчилар психологияси

2. Ўқитиш психологияси

а) Психология жонли мавжудотни рухий (психик) фаолиятини шаклланиши ривожланиши билан боғлик экан, шуғулланар экан, унинг методика билан алоқада бўлади.

Умумий психология инсонни психик фаолияти, рухий холатини билишга ёрдам беради.

Ёш психологияси ўқувчиларни ёшига қараб рухий холатини бизга ўргатади. Нутқ психологияси эса, ўқувчига нутқни ўргатишда содир бўладиган психологик холатларни ўргатади. Педагогик психологияда ўқувчиларга таълим тарбия беришдаги психологик хусусиятлар, холатлар билан таништирилади. Психолингвистика тилшуносликни бир қисми бўлиб, у фикр, гапни нутқка коммуникатив фикр (информация) олмошига фикрга тўғри келиш - келмаслик жараёнларини ўргатади. Унинг маълумотлари методикага нуткни хосил бўлиш ва қабул қилиш қонуниятларини тушунтириб беради, нутқни ўргатишда усул, йўлларни, методларни машқларни танлашда ёрдам беради. Психолингвистика нутқ-механизмини унинг шаклланиши, нутқни таний олиш, тушуна олиш масаласи билан шуғулланади. Методикага психология тил материалларни эсда сақлаш холат, хусусиятлари билан таништиради. Юқорида айтилган психологик холатлар методикага, ўқитувчига француз тилини ўргатишда, ташкил қилишда ёрдам беради. Унга қараб ўқитувчи методни танлайди, хатони олдини олади.

Чет тили ўргатиш психологияси хам методика билан чамбарчас алоқадордир. Бу фан чет тилларни ўргатишда ўрганувчидаги содир бўладиган психологик холат, хусусиятлар билан таништиради, бу эса ўз вақтида методикани ташкил қилишда ёрдам беради. Бу фан бўйича Б.В.Беляев, В.А, Артемьев шугулланганлар. Хозир эса И.В.Зимняя ва бошқа олимлар шуғулланаяптилар.

Психологик нутқтаи назардан нутқ фаолиятлари рецептив ва репродуктив нутқ фаолиятларига бўлинади. Умуман оғзаки нутқ, ёзма нутқ, ички нутқ, ташқи нутқ бўлиши мумкин. Нутқ тил нутқтаи назаридан камбағалдир, чунки нутқда тилни кам материалини ишлатилади.(Агар ёзувчи ўз асарларида 15-20 минг тил материалини ишлатса, у энг таниқли сўз устаси хисобланади.)

Нутқда информация манбай инсондир, у инсониз содир бўлиши қийин, тилсиз алоқа қилиб бўлмайди, лекин у хар тилда бўлиши мумкин.

Оғзаки нутқ тинглаб тушуниш ва гапиришга бўлинади, ўзининг тузилиши бўйича у ёзма нутқдан кўп фарқ қилмайди. Лекин оғзаки нутқ хусусиятларига эга бўлган сўзлар кўпинча ёзма нутқ хусусиятига эга эмасдир ва тескариси. Оғзаки нутқ оғзаки шаклда, ёзма нутқ ёзма шаклда содир бўлади.

Ўқувчи сўзловчининг нутқини тинглаб англайди, тушунишга интилади, ўзининг нутқини ички нутқида ифодалагани учун ташқи нутқ қилмайди.

Рецептив нутқ тинглаб тушуниш ва текстни ўқигандаги маълумотни қабул қилишга асосланган нутқ фаолиятлари тушунилади.

Репродуктив нутқда эса гапириш ва ёзма нутқ орқали ҳосил қилинадиган нутқ фаолияти тушунилади. (1-таблица)

Нутқ фаолиятларини содир бўлишида қабул қилиш, тушуниш, эсда сақлаш мухим ўрин тутади.

Буларни психологик негиздаги фанлар аниқлаб методикани таништиради, методикага ёрдам беради.

Бу нутқ фаолиятларини шакллантиришда, ўргатишда кўникма малака ҳосил қилиниши керак, буларни ҳосил қилиниш хусусиятларини психология аниқлаб беради.

Булар психологик атамалар тушунчалардир. Ўқувчилар қабул қилган материалларни фикрлайди, қайтаради, эсда сақлашга харакат қиласди. Улар қайтарилиб, автоматлаштирилади, кўникма малакага, билимга айланади.

Махорат, усталик, малака деганда эса кўникмани, материалларни кўп қайтарилиши натижасида автоматлаштиришdir яъни тил материалини ўқувчилар автоматик тарзда кўллай оладиган бўлишидир. Кўникма малака ҳосил қилингандан кейин у билимга айланади. (2-таблица)

Педагогик психология кўникма-малакаларини ҳосил бўлиш, шаклланиш хусусиятларини ўргатади.

Юқоридагиларни куйидаги чизмалар (схемалар) орқали кўрсатиш мумкин.

## Нутқни рецептив эгаллаш



## Нутқни рецептив эгаллаш

Нутқ репродуктив ва продуктив эгалланади

3 Чет тил ўқитишини дидактик асосини ташкил қилувчи фанлар билан алоқаси

Методика дидактик асосдаги фанлар билан хам алоқададир. Уларга умумий педагогика, педагогика тарихи, мактаб методикаси каба фанлар киради. Умуман педагогика ёш авлодга таълим тарбия бериш масаласи билан шуғулланадиган фандир. Методика эса алоҳида олинган фан бўйича таълим, тарбия бериш масаласи билан шуғулланади. Педагогика умумий бўлса, методика хусусийdir (бу тўғрисида юқорида тўхталган). Методика педагогикадан дидактиканни умумий принципларини олади, педагогика эса методикадан хам умумий бўлган тамойилларини олади. Уларнинг алоқаси маҳсус билан умумийлигидадир.

Шу сабабдан методика педагогик фанлар қаторига киради. Унинг тамойилларига педагогиканинг хам тамойиллари киради. Шу сабабли педагогика методика билан алоқададир. Юқоридаги 3 та асосий фанлардан ташқари методика ривожланаётган информатика, кибернетикалар билан хам алоқададир. Информатика информациони структурсини, умумий хусусиятларни, унинг хосил бўлиш қонунлари билан таниширади.

Кибернетика билан хам боғлиқдир, алоқададир, ундан методика программалаштириб ўқитиши таълимни ишлаб чиқишида ёрдам беради. С.Ф. Шатилов юқоридаги методиканинг асосий фанлар билан алоқасини сал бошқачароқ 3 турга бўлади.

- 1) Чет тил ўқитиши методикасининг лингвопсихологик асосдаги фанлар билан алоқаси;
- 2) Лингвистик асосдаги фанлар билан алоқаси;
- 3) Дидактико - методик асосдаги фанлар билан алоқасига

Лингвопсихологик асосга у: Тилни эгаллашни психологиясини кўзда тутади яъни турли нутқ фаолиятининг лингвопсихологик хусусиятларини ва унинг механизмларини, тил

мухити бўлмаган шароитда чет тили эгаллаш қонуниятлари (мактаб шароитида), турли хил хотираларнинг, ўрни, мотивациянинг ўринларини кўзда тутади. Психология нутқ фаолиятини реализацияси (амалга оширилиши) усуслари деб гапиришни, тинглаб тушунишни, ўқишини, ёзувни тушунади. Психофизиология эса нутқ механизми деб анализаторларнинг йифиндисини яъни тинглаш, нутқ-матор, кўриш, харакат (двигательный) анализатйларни тушунади.

Гапираётган хам, тинглаётган хам гапиради, лекин биринчиси овоз чиқариб иккинчиси эса ичида овоз чиқармай гапиради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдикни, методика доим яқин фанлар билан алоқададир. Алоқа методикани бойишига, ривожланишга, уларга асосланиб - методикани тўғри, асосли ташкил қилишга ёрдам беради.

#### **IV. Якун**

Сизларга ўқилган ва сиз тинглаган мамаърузадан сизга аён бўлди:

- 1) Чет тиллар ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси зарур экан.
- 2) Улар 3 та негиздаги фанлар экан.
- 3) Сизни фикрингизча хамма масалалар ёритилдими?
- 4) Маъруза мавзусида яна нималарни ёритсак тинглашингиз яхши бўлади. Фикрларингиз.
- 5) Маъруза ўқилиши бўйича фикрларингиз.

#### **V Таянч сўз, атамалар**

Лингвистика, психология, дидактика, орфография, сўзни модели, умумий, хусусий тишлинослик, кўчириш, маҳорат, кўникма, малака, билим, кибернетика, лингвопсихология, психофизиология, механизм, психолингвистика

#### **VI Текшириш учун савол топшириклар**

- А) Нима учун методикани асос фанлар билан алоқаси зарур экан?
- Б) Методика асос фанлар билан алоқа қилмай таянмай ривожланиши мумкинми?
- В) Чет тиллар ўқитишга тиллар алоқаси ижобий таъсири қандай? Мисоллар келтиринг.
- Г) Маъруза якунида қуидаги вазифалар берилади, уларга жавоб тигланади.
- Д) Ўқилган маърузада нималарни мухим деб ўйлайсиз?
- Е) Маърузани яхшилаш учун нималарни қўшиш зарур?
- Ё) Маъруза бўйича ўз фикрингизни айтинг.

#### **Адабиётлар**

- 1) Ж.Ж.Жалолов – Чет тил ўқитиш методики. Тошкент 1995й. 20-35 бетлар
- 2) Н.И.Гез ва бошқалар – Методика обучение ин.яз. сред.школе. Москва 1982й. 21-43 бетлар
- 3) Теоретические основы методики обучение ин. языку в средней школе. Москва 1981й. 17-31 бетлар
- 4) Н.Д. Гальскова – Современная методика преподавания иностранных языков. Москва 2000й
- 5) Н.Д. Гальскова и Н.И. Гез – Теория обучения иностранным языкам Москва 2008.

### **3 – Маъруза**

**I – Мавзу:** Турли типдаги ўқув юртларида чет тили ўқитиш мақсадлари, мазмуни, тамойиллари, воситалари ўқув методик тўплами.

#### **III – Маъруза мазмуни**

Чет тиллар ўқитиш мақсадларини белгилаш зарурияти, аҳамияти. Чет тиллар ўқитиш мақсадлари: Амалий, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлари уларнинг моҳияти, мисоллар орқали тушунтириш. Чет тиллар ўқитиш мазмуни: тил материаллари (талафуз, лексика, грамматика) нутқ фаолияти турлари (tinglab тушуниш, гапириш ўқиш, ёзув) тўғрисида гапириш.

Чет тиллар ўқитиш тамойиллари: коммуникатив, она тилини хисобга олиш, машқ ишлатиш тамойиллари. Методиканинг маҳсус тамойиллари. Ўқитиш воситалари: асосий, ёрдамчи воситалар. Ўқув методик тўплам хақида баён қилиш.

3.1 Маъруза ўқишига тайёрлаш ва тинглатишга тайёрлаш.

Талабаларни кузатиш жойлашганлиги ёзув куроллари мавжудлигини назорат қилсин. Олдинги мавзуни – чет тиллар ўқитиш методикасини яқин фанлар билан алоқасини сабабларини, алоқа қилувчи фанлар асосларини эслатиш, янги мавзуга тайёрлаш.

3.2 Маъруза мавзусини айтиш.

Маърузани биринч қисмини бошлаш. Маъруза жараёнида талабаларни иштирок эттириш. (15 минут талабаларни фикрини сўраш)

3.3 Маърузанинг 2 қисмини ўқилишига тайёргарлик.

Талабаларни тинглашга, воситаларнинг тайёрлиги, диққатларини мавзуга қаратиш.

3.4 Маърузанинг 2 қисмини ўқиш.

Савол бўлса, жавоб берилади. Фикрлар тингланади.

#### **IV. Якун**

V. Таянч сўзлар ва атамалар, терминлар.

VI. Текшириш учун савол, топшириклар

VII. Адабиётлар

#### **Маърузани бошлаш.**

3.1 Маърузанинг 1 қисмини ўқишига тайёргарлик

3.2 Маърузанинг 1 қисмини ўқилиши (30 минут)

Демак, таълим мақсадлари ижтимоий буюртма топшириқ бўлиб, баркамол шахсни шакллантириш ва тарбиялашга қаратилади.

**Амалий мақсад:** Француз тилини амалий эгаллаш ўзгаларнинг француз тилидаги оғзаки ва ёзма нутқларини тушуниш, ўз фикрини француз тилида баён этиш каби кўнимкамларни шакллантиришни хамда бу нутқ фаолияти турларини ривожлантиришдан иборатdir. Кишилар ўртасидаги алоқа бевосита ва билвосита мулоқот орқали амалга оширилар экан, тилни амалий билиш нутқ фаолиятини тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув каби турларига хос бўлган кўнимкамларни шакллантириш ва такомиллаштиришни тақазо этади.

**Тарбиявий мақсад:** ўқувчиларга ғоявий-сиёсий тарбия бериш, уларда ақлий меҳнат малака ва кўнимкамларини хосил қилиш, шунингдек, уларнинг билиш фаоллигини ошириш қуидагиларни ўз ичига олади:

- ўқувчиларни ватанпарварлик ва ахлоқий поклик рухида тарбиялаш;
- хар томонлама ривожланган, маънавий жихатдан бой, мустақил фикрловчи шахсни шакллантириш;
- ростгуйлик, ўзга халкларга, унинг қадриятларига ҳурмат билан қарашлик, иймон, эътиқод, дўстлик, ўз қадрини билиш, иродалилик каби сифатларни шакллантириш.

Тарбиявий (ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик каби) мақсад француз тилидаги матнларнинг мазмунини тарбиялаш йўли билан амалга оширилади.

**Таълимий мақсад:** Таълимий мақсад деганда - инглиз тилини ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш ва шу тилни ўзлаштириш орқали она тилидан эгаллаган билимларни кенгайтириш тушунилади. Француз тилини ўрганиш жараёнида ўқувчилар мамлакатимиз ва тил ўрганилаётган мамлакатларнинг географияси, тарихи, адабиёти, санъати, фани ва маданияти, шунингдек ўзларини ўраб турган атроф - мухит хақида маълумотлар хам билиб оладилар.

**Ривожлантируви мақсад:** Бу мақсад ўқувчиларни хар тамонлама етук шахс бўлиб етишишини, яъни уларнинг дунё қарашини, эстетик дидини, мустақил фикрлашларини, хотирасини, ақлий меҳнат қилиш маданиятини, кишилар билан қиласиган мулоқот маданиятини, мустақил билим олиш малака ва куникмаларини вужудга келтиришни кўзда тутади. Бу мақсад ўқувчи шахсининг ақлий, хиссий ва мотивацион (ички турткি) хусусиятларини ривожлантиришни ифодалайди. Француз тили ўқитишининг амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари нафақат дарё жараёнида, балки дарёдан ташқари олиб бориладиган ишларда хам ўз ифодасини топади.

Юқоридаги 4та мақсадлар ўрта мактабларда чет тили, француз тили ўқитилаётганда амалга оширилади.

Республикамиизда турли типдаги ўқув юртларида - коллеж тил ва тил бўлмаган олий ўқув юртларида чет тили - француз тили ўргатилишига касбий ёндошилади. Чет тили - француз тилини касбда - мутахассислик фаолиятида қўллашга ўргатилади. Уни касбий (профессионал) мақсад дейилади.

Касб берувчи ўқув юртларида чет тили француз тили ўқитишида 5 та мақсад амалга оширилади.

1. Амалий мақсад.
2. Таълимий мақсад.
3. Тарбиявий мақсад.
4. Ривожлантирувчи мақсад.
5. Касбий (профессионал) мақсад.

Француз тили ўқитишининг мазмуни ўқитиши мақсадларига боғлик бўлиб, у одатда мақсад мазмунини белгилайди. Ўқитиши мазмунига нутқий мавзулар, малака – кўникмалар хамда тил материали киради. Ушбу учта таркибий қисм француз тилини ўрганишда яхлит ўзлаштиришни тақозо қиласиди.

**Нутқ ва ўқиши мавзулари** ўқитиши мақсадларига асосланиб танланади. Умумий ўрта таълим мактабларида «Ўқувчи ва уни ўраб турган атроф - мухит», «Ватанимиз» ва «Тили ўрганилаётган мамлакатлар» каби мавзулар асосий нутқ мавзулари хисобланади. Ўқиши учун сиёсий, илмий-оммабоп, бадий адабиётдан мослаштириб олинган китоблар, фан, маънавият хамда спортга оид матнлар танланади.

**Нутқ малакаларини** шакллантириш ўқитиши мазмунинг яна бир комоненти хисобланади. Нутқ кўникмалари деганда, француз тилида нутқ фаолияти турларини эгаллаш тушунилади. Нутқ малакалари тил материалини мулоқот пайтида қўллаш натижасида ривожланади ва такомиллашади.

Умумий ўрта таълим мактабларида француз тили ўқитишининг асосий вазифаларидан бири шу предмет буйича маълум хажмдаги билимларни ўзлаштиришдан иборатdir.

Ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар асосини ўқув дастурида кўрсатилган тил материали ташкил қиласиди.

Тил материалини фонетик, лексик ва грамматик ходисаларни, материалларни ўз ичига олади.

### 3.3. Маърузани иккинчи қисмини ўқишига тайёрлаш.

Чет тиллар ўқитиши методикасини мақсад мазмунини кўриб чиқдик, тингладингиз. Тушунмаганлар борми? Тушунмаганларда савол бўлса жавоб бериш. Чет тиллар ўқитиши методикасини мақсад мазмуни бўлганидан кейин унинг тамойиллари, методлари, воситалари хам бўлади. Уларсиз чет тилларини ўқитиб бўлмайди.

3.4. Энди чет тиллар ўқитиши методикасининг тамойиллари, методлари ва воситаларини тингланг. Сўнг фикрлар бўлса сўралади. Саволларга жавоб берилади.

**Француз тили ўқитиши тамойиллари.** Методикада чет тиллар ўқитиши тамойилларини асослаш масалалари З.М.Цветкова, И.В.Рахманов, А.А.Миролюбов ва бошқаларнинг ишларида ўз ифодасини топади. Шу нарсанни такидлаш керакки, бир неча нашр қилинган ишлар /Г.Е.Ведель, П.Б.Гурвич ва Г.В.Рогова/ махсус шу муаммога бағишиланди, баъзи китобларнинг авторлари эса /И.Д.Салистра, А.П.Старков, Е.И.Пассов/ айрим бобларда чет тиллар ўқитиши тамойилларини асослашга харакат қилдилар. Чет тиллар ўқитиши методикасида уч группа тамойиллар: умумий, хусусий, ва махсус тамойиллар борлиги кўрсатилади.

### **Умумий тамойилларга:**

1. Чет тил ўқитишининг коммуникатив ёки амалий йўналишда бўлишлик тамойиллари;
2. Она тили хусусиятларини хисобга олиш тамойили;
3. Чет тилини ўзлаштиришнинг хамма босқичлари ва соҳаларида машқларнинг хал қилувчи роль ўйнашлик тамойилидир.

### **Хусусий тамойиллар қуйидагилар хисобланади:**

1. Чет тили ўқитиши нутқ намуналари асосида олиб бориш;
2. Тил устида машқ қилишни нутқ амалиёти билан қўшиб олиб бориш;
3. Нутқ фаолияти асосий турларини ўзаро алоқаси;
4. Ўқиши ва ёзувни ўргатишида оғзаки ўзиб кетиш;
5. Ўқитишида чет тили нутқ фаолиятида апроксимация тамойили;
6. Чет тил ўқитищдаги бошланғич босқичнинг интенсивлик тамойили.

Умумий ва хусусий чет тиллар ўқитиши тамойилларидан ташқари махсус тамойилларни хам ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тамойилларнинг риоя қилиш доираси жуда тор бўлиб, тил аспектларини ёки нутқ фаолиятининг айрим турларини ўргатишида уларга амал қилинади.

Чет тиллар ўқитиши методикаси хозир умуман 3 та методни қўллашни таклиф қиласди:

1. Намойиш (демонстрация) қилиш методи.
2. Тушунтириш методи.
3. Машқ ишлатиш методи.

Чет тили ўқитиши воситалари. Ўрта мактабда чет тили ўқитишида ўқитиши воситалари мухим ахамиятга эга. Чет тили ўқитишининг турли ўқитиши воситалари мавжуд. Француз тили ўқитувчиси улардан фойдаланиб ўқувчиларга материалларни ўргатади, тушунтиради, кўникум, малака хосил қиласди. Улар етишмаса, бўлмаса, биз ўқувчиларга француз тилидан тўлиқ амалий билим беришимиз, тарбиялашимиз қийинлашади, секинлашади. Воситаларни қўллаш тезда тушунишга, онгли ўзлаштиришга, хотирада яхши сақланишига ёрдам беради. Ўқитиши воситалари мураккаб ўқитиши тизимининг таркибий қисмидир. Шу сабабдан воситаларни ўрни мухимдир, ахамияти каттадир. Г.В.Рогова кейинги пайтларда чет тилини ўқитишида ўқитиши воситалари ва ўқитиши материаллари кенг қўлланиши тўғрисида тўхтаб, уни қуйидагича таърифлайди. Ўқитиши воситалари деганда биз хар хил турдаги шундай мосламаларни кўзда тутамизки, улардан биз француз тили материалларини ўқувчиларга тақдим қилишда, онгига мустахкамлашда, кўникум. малакаларни шакллантиришда, текширишда фойдаланамиз. У воситаларни 2 га бўлади:

1. механик бўлмаган воситалар
2. механик бўлган воситалар.

Биринчисига синф, магнит доскаларини, фланелеграфни киргизади.

Кейинчалик Г.В.Рогова воситаларни асосий ва қўшимча воситаларга бўлди. Воситаларни ўқитувчи ва ўқувчи асосий воситаларига ажратади. У ўқувчининг асосий воситаларига дарслик, расмлар тўпламини, кинофрагментлар, тарқатма материалларни киргизса, ўқитувчининг асосий воситасига эса мактаб дастурини, ўқитувчи китобини киргизади. Ёрдамчи воситаларни хам у шундай 2 га ажратиб, уларга ўқувчилар ва ўқитувчилар ўзлари тайёрлаган карточкалар жадваллар, расмлар. ўйинчоқлар, луғатлар, қўшимча ўқиши китоблари, ўқитувчи учун эса методик адабиётлари киргизади.

М.В.Ляховицкий чет тили ёрдамчи воситалари деганда ўқитиш мақсадларни, ўқитувчи топширигини, вазифасини унумли, фойдали вақт сарф қилиб тезроқ амалга оширишга ёрдам берувчи хамма материалларни, ўқув жараёнига керак бўладиган воситаларни, куролларни тушунади.

М.В.Ляховицкий ёрдамчи воситаларни 2 гурухга:

1. Анъанавий (техник бўлмаган)
2. Замонавий техник воситаларга ажратади.

Биринчисига расмлар, жадваллар, дарсликларни кўрсатса, иккинчисига техник воситаларни киргизади. Техник воситлар деб, у фонограммани, фотографмани, видеофонограммани тушунади. Фонограмма - бу магнит лентасига, пластинкага ёзилган ва тинглаш канали орқали аппаратлар ёрдамида қабул қилинадиган маълумотdir.

Фотограмма қуриш канали орқали қабул қилинадиган маълумотdir. Хозирги даврда ўқув воситаларига француз тили дарсликлари, ўқитувчи китоблари, дастурлар, ўқиш китоблари, турли расм, жадваллар, техник воситалар киритиляпти. Хозир воситаларни кўриш воситаларига (расм, предмет, жадваллар, фотографмалар) ва тинглаш воситаларига (фонограмма), кўриш –тинглаш воситаларига (кинофильм, овозли диафильм, видеограммалар) ажратиляпти.

Б. Воситаларнинг хаммаси ўқув методик тўпламни ташкил қиласди. Рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун инглиз, немис, француз тилларидан ўқув методик тупламлари тузилган. Ўқув методик тўплам дарсликлар муаллифларини олдига қўйган мақсад, вазифаларини амалга оширишга, француз тилидан малака ва кўникмаларни яхширок шакллантиришга, ўстиришга ёрдам беради. Хозир ўқув методик тўпламга лексик ва грамматик жадваллар хам киргизиляпти.

#### **IV. Якун**

Маърузадан сизлар чет тиллар ўқитиш методикасининг мақсад, мазмuni, тамойиллари методлари воситалари хақида маълумот олдингиз. Тушунмаганлар, ана шу мавзу бўйича ўзини фикрини айтмоқчи бўлганлар бўлса марҳамат сўзланглар, саволлар бўлса сўрашингиз мумкин. Сизлар шу мавзуда нималар ёритилишини хоҳлайсиз айтишингиз мумкин.

#### **V. Таянч сўз, сўз иборалари, атамалар, терминлар.**

1. Мақсад. Амалий, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар, касбий мақсад.
2. Ўқитиш мазмuni, дастур.
3. Тамойил (принцип), метод.
4. Чет тили ўқитиш воситалари. Асосий», ёрдамчи воситалар. Механик, механик бўлмаган воситалар.
5. Фонограмма, видеограмма, (фотограмма), видеофонограмма.
6. Ўқув методик тўплам.

#### **VI. Текшириш учун саволлар, топшириқлар.**

1. Чет тили ўқитишнинг қандай мақсадлари бор экан? Номларини айтинг.
2. Чет тили ўқитишнинг мазмuni деганда нимани тушунар эканмиз?
3. Чет тиллар ўқитиш мазмuni нимага асосан танланада, у нимада баён қилинади? Номини айтинг.
4. Тамойил (принцип) деганда нимани тушунар эканмиз? Чет тиллар ўқитиш методикасини қандай тамойиллари бор экан? Номларини айтинг.
5. Метод деганда нимани тушунар эканмиз? Чет тиллар ўқитиш методларини номларни айтинг.
6. Воситали чет тили ўқтииш методикасига нима учун зарур экан, қандай воситалари бор экан? Номларини айтинг.
7. Механик, (техник) воситалар турларини айтинг.
8. Ўқув методик тўпламга таъриф беринг.

## **VII. Адабиётлар.**

1. Ж.Жалолов. Чет тил ўқитиши методикаси. Тошкент 1996 й.
2. 5. Н.Д. Гальскова. Современная методика обучения иностранным языкам. Москва 2000.
3. Н.Д. Гальскова и Н.И. Гез – Теория обучения иностранным языкам Москва 2008.

#### **4 – Маъруза: Замонавий педагогиялар, интерактив методлар асосида чет тили ўқитиши.**

##### **Режа:**

1. Замонавий педагогияларни қўлланиши, аҳамияти, зарурияти, хусусиятлари, талаблари.
2. Замонавий педагогиялар асосида қўлланиладиган методлар:
  - коммуникатив методи;
  - гипнотерапия методи;
  - релаксация методи;
  - ритмопедия методи;
  - нутқ оқимида, жараёнида узок муддатда бўлиш орқали тил ўрганиш методи;
  - хис-хаяжон (эмоциональ - смысловой) орқали тил ўргатиш методи;
  - проект методи;
  - суггестопедия методи;
  - тўлиқ жавоб бери орқали француз тили ўрганиш методи;
  - гурухда, жамоада француз тили ўргатиш методи.
  - сокин йўл орқали француз тили ўргатиш методи;
  - масофадан ўқитиши методи.
3. Интерактив методлар.

#### **III – Маъруза мазмуни.**

Хозирги пайтда замонавий педагогия, интерактив методларни юзага келиши, хусусиятлари, қўлланилиш зарурияти. «Педтехнология» «интерактив» атамаларни ёритиши. Педтехнология, замонавий интерактив методларни тур, вариантлари баён қилиш, амалда қўллашни кўрсатиши.

Коммуникатив, гипнотерапия, релаксация, ритмопедия, нутқ оқимида (жараёнида) узок муддатда бўлиш, проект, суггестопедия, тўлиқ (яхлит жисмоний) жавоб бериш, гурухда чет тилини сокин йўл орқали ўргатиш, масофадан ўқитиши, интерактив методлар.

Замонавий педагогиялар, интерактив методларни қўллашда фойдаланадиган воситалар мультимедияларни баён қилиши.

##### **3.1 Маърузани 1 қисмини ўқишига ва тинглатишига тайёргарлик.**

Талабаларни жойлашишини, ёзув воситаларини мавжудлигини кузатиши.

Талабаларнинг бемалол яхши тинглаб ёзишлари учун кузатиб – жойлашишини, ёзув воситалари мавжудлигини кузатиши. Талабаларнинг бемалол яхши тинглаб, ёзишлари учун кузатиб – диққатларини маърузага қаратиши.

##### **3.2 Маърузанинг мавзуси**

«Замонавий педагогиялар, интерактив методлар асосидаги чет тили ўқитиши» ни айтиши. Маърузани бошлаш, ўқиш, тинглатиши, талабаларни иштироқ эттириши (25 минут). Саволлар бўлса, жавоб берилади. Фикрлар тингланади.

##### **3.3 Маърузанинг 2 чи қисмини ўқилишига тайёргарлик.**

Талабаларни маърузани тинглашга диққатларини қаратиши қисқача маърузани 2 чи қисмини 1 чи қисмига боғлаш учун 1 қисмидагига хуолоса қилиши.

##### **3.4 Маърузанинг 2 қисмини тинглаш: Интерактив методлар ва педагогия, интерактив**

методлар воситалари мавзусини айтиши, ўқиш, тинглатиши. (25 минут укилади). Савол бўлса жавоб берилади, фикр – мулоҳазалар тингланади хисобга олинади.

IV. Якун

V. Таянч сўзлар, атамалар.

VI. Текшириш учун савол топшириклар.

VII. Адабиётлар

## **Маъruzани бошлиш.**

Юқори малакали жаҳон стандартларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш -энг аввало амалдаги таълим тарбия назариясининг методлари, усуллар, йўл машқларини ўзгартиришнинг янги замонавий технологияларини ва уларнинг воситаларини қўллаш кўзда тутилади.

Хозирги замон янги технологиялар, интерактив методлар чет тилини ўргатишда қўйидагиларни талаб қиласди:

- 1) ўргатиш амалий йўналишида бўлиши;
- 2) коммуникация, мулоқот етакчи бўлиши;
- 3) ўқитиш, ўргатишга хар томонлама ёndoшиш;
- 4) ўқитиш жараёнининг интенсив (тезлаштириш), йўлдан воситадан унумли фойдаланиш;
- 5) турли хил янги метод, усул, технологиялардан фойдаланиш;
- 6) дастурли таълим элементларини қўллаш, мустақил ишлатиш, дарсдан ташқари турли ишларни бажариш.
- 7) Турли хил техник воситалардан - мультимедиядан фойдаланиш.

Хозирги даврда талабаларни хисобга олган холда янги технологиялар, методлар воситалар ишлаб чиқиляпти ва қўлланишга харакат қилингапти. Улар орасида дарсликлар ёзилди, ёзилмокда, ишлар қилинмокда, ўкув юртларида ишлатилмокда.

Биз технология метод, воситаларини кўриб чиқамиз. Кейинчалик иш фаолятингизда қўллайсиз деб уйлаймиз.

Ж. Жалолов: технология - таълим бериш санъатини ишга солиб, уни самарали ташкил этиш, таълим стандартлариiga мослаштириш, жаҳон андозалари даражасига кўтаришдир. Технология атамаси таълим метод, йўл, усул машқлар тамойиллари ва уларни амалга ошириш воситалари мажмуасидир.

### **I. Коммуникатив метод**

Бу метод тилни коммуникация алоқа воситаси сифатида ўргатиш тушунчасидан келиб чиқсан.

#### **Предмети:**

1. Тилни ифода воситаси (коммуникация)ни ўргатиш
2. Тилни маъно ва ўрганув объектини ўргатиш
3. Тил ўрганувчиларни ўзаро алоқалар қилишларини ўргатиш
4. Хатоларни тахлил қилиш орқали тилни ўргатиш

Бу метод орқали тил коммуникатив мухит яратилиб турли воситалар орқали ўргатилади, унда тил тизимини эмас нутқини ўргатилади. Коммуникация, фикр айтиш, баён қилиш, қабул қилиш орқали амалга ошади, коммуникация матн (текст)да ўз ифодасини топади. Э. Бенвенист коммуникатив методини коммуникация режасини маълумот режасини, нутқ режасини, химоя қилиш режаларини ажратган. И.Д. Салистра 1960 й. -Речевая направленность деб атади. Коммуникатив метод тилни ўргатиш мақсад мулоқот қилишга ўргатиш дейди.

#### **Коммуникатив метод тамойили:**

- 1) Ўқитиш коммуникатив йўналишида бўлиши
- 2) Ўқитиш жараёнда ўкувчи, талабаларнинг фаоллиги
- 3) коммуникатив метод гурух бўлиб ишлашни талаб қиласди, ролларга кириб (сотиб олувчи, журналист) ситуацияларда ўргатишни кўзда тутади. Хозир АҚШ, Австралия, Дания, Англия мамлакатларида қўлланилади.

## **II. Гипнотерапия методи.**

Инсонни уйқудағыда чет тили материалыни, чет тилини эшиттириш, тинглатиши орқали ўргатиши күзде тутган. Магнитафондаги фонограммани, радиони тинглаш орқали бўлади.

## **III. Релаксопедия методи.**

Ўкувчи, талабани рухий холатини бўшаштириш, психикасини бошқариш орқали чет тили ўргатиши күзде тутади.

## **IV. Ритмопедия методи.**

Ўкувчи талабани нерв тизимини, рухини, кайфиятини алоҳида холатига тушириш орқали чет тили ўргатилади. Мусика, ашула кабилардан фойдаланилади.

## **V. Нутқ оқимида, жараёнида узоқ муддатда бўлиш (погружение) орқали инглиз тили ўргатиши методи.**

Нутқ оқимида, мухитида хатточи 1, 2 кун (оғзаки нутқ оқимида), узоқ муддатда бўлишни күзде тутади.

## **VI. Хис-хаяжон орқали инглиз тили ўргатиши методи.**

Бу метод ўйинлар орқали инглиз тили ўргатиши күзде тутади. Хозирги пайтда Гипнотерапия, Релаксопедия, Ритмопедия нутқ оқимида узоқ муддатда, жараёнида бўлиш хис-хаяжон орқали француз тили ўргатиши методларини интенсив методлар деб номланмоқда

Тилни ўргатишига ижодий ёндошиш, ўйинлар, маълумот берувчи воситалардан фойдаланиш орқали амалга ошади. Бу методда ўкувчи, талаба гапирмоқчи, ёзмоқчи бўлганини ўзига проект қилиб, тушиб тайёрлайди сўнг ёзди, гапиради.

## **VII. Сугестопедия методи.**

Сугестопедия сўзи лотинча ишончга асосланган таълим, ўқитиши чет тилини ихлос қилиш орқали, ишончга асосланган таълим ёрдамида ўқитиши. Бу методни болгар олими Георгий Лозанов ишлаб чиқкан. Метод хотириани очилмаган имкониятларидан фойдаланиши күзде тутади. Ўкувчи талабага таъсир қилувчи воситалардан кенг фойдаланиши орқали чет тили ўргатилади. Унда синфнинг шинамлиги, яхши жихозланган бўлиши, музика, расмларни таъсирида мажбур қилинмай чет тили ўргатилади. Кўпроқ сўзларни хотирада сақлашга эътибор берилади. Унинг методи асосида чет тил ўргатиши 30 кун 10 та дарсдан иборат. Бир кунда 4 соатдан 6 кун дарс ўтилади. Қуйидагича бўлади: 1) диолог, 2) тақлид қилиш. 2) янги диалоглар тузиш.

Дарс мажбур қилинмаган холатда, музика, мотивация, қизиқтирувчи, бажаришга ундовчидан фойдаланиб чет тили ўргатилади. 12 та ўкувчидан ошмайди.

**Тўлиқ яхлит жисмоний жавоб бериш орқали тил ўргатиши методи.** Бу методни 1977 йилда Америка психолог профессори Жеймс Эшер (James Asher) томонидан ишлаб чиқилган. Бу метод хотирада сўзларни сақладашга ахамият берилаб коммуникация бошланғич босқичда оғзаки нутқ малакаси шакллантирилади, грамматика индуктив ўргатилиб, сўзлар маъносига кўпроқ ахамият берилади. Лексик материал хаёт, турмуш, иш, ситуацияларидан танланиб олинади. Масалан: У айтадики гапиришдан олдин тушунишга, шаклга эмас, маънога ахамият бериш, ўқитишида қаттиқ қуллик қилмасликни таклиф қиласди. Ўқитувчи ўкувчи, талабаларга турли нутқ наъмуналарини тинглаб тушуниб, турли жавоб беришга ўргатилади, шунинг учун тўлиқ жавоб бериш орқали тил ўргатиши методи дейилади. хис хаяжонга ахамият берилади.

**Гурух, жамоада тилни ўргатиши методи.** Унинг асосчиси Чарльз Куран (Charles Kurran). Унинг таклифи тил ўрганувчи томонидан мухокама қилинмоқчи бўлган проблема-масала, мавзу гурух, жамоаси айтилди. Сўнг гурухда мухокама қилиниб ўртада гурухлар ўртасида бахс асосида хал қилинади, ўрганилади. Ўқитувчи маслаҳатчи ролини ўтайди, тил ўргатувчилар эса клиент. Гурухлар бир бирига эшиттирмай, масала, мавзуни мухокама

қилдилар, сўнг гурухлар мавзу, масала мухокамасида, бахсида ўз фикр мулохазаларини айтдилар, эътиroz билдирадилар ёки қўшиладилар. Тил ўргатиш, ўрганиш, социал жараён яъни тил ўрганувчи тўлиқ, бутун нутқ оқимида бўлади. Тилни ўрганиш социал жараёнида тилни таълимими, ривожлантирувчи жараёнида бўлишлиги. Оғзаки нутқ ўргатилади, ёзув хам мукаммаллаштирилади.

**Сокин йўл орқали тил ўргатиш методи** Галеб Гаттегно (Galleb Gattegno) томонидан ишлаб чиқилиб, ўқитувчининг кам гапиришини, иштирок этиши сокин бўлиши, талабанинг эса мумкин қадар кўп гапириши, иштирок этиши кўзда тутилади. Унда талаба мустақил, автоном, масъулиятли, муаммони ечувчиси бўлиши кўзда тутилади. Метод вакиллари ўқитувчи актердир, тингловчи эмас дейди. У менга айт, мен эсдан чиқараман. Менга ўргат ва мен эслаб қоламан. Мени ўз ичингта ол ва мен ўрганаман. Тил материали товушлар гурухида берилади, грамматик қоида, матнлар, конструкциялар асосида индуктив ўргатилади, гаплар туздирилади, сунъий ситуациядан кенг фойдаланилади. Яна тил материаллари, нутқ фаолиятлари рангларга бўлиб ўргатилади, тақдим қилинади. Ранглар жадвали тузилган. Гап-жумла ўқитишнинг асосий бирлиги. Ўқитувчи диққатини гапга қаратади, ўқувчилар гаплар асосида наъмуналар туздилар, ўқув жараёни ўқитувчининг моделлаштириш орқали ташкил қилинади. Дарснинг биринчи қисми белги (символ)лар орқали талаффуз этилади. Қизил ранг - товуш, кўк ранг - сўзлар, барг яшил ранг -гаплар. Сўнг гаплар орқали амалиёт ташкил қилинади. Бу метод АҚШ, Англияда қўлланилади.

**Масофадан ўқитиш: (дистанцион ўқитиш)** узоқ масофадан туриб ўқиши, ўқитиш, таълим беришни кўзда тутади. Унинг асосида бир мамлакат, шахар, институт, университетдан туриб иккинчи мамлакат, шахарда турувчиларни, институт университетда таълим олувчиларни, бутун бир гурухни, бир неча гурухни, алоҳида бир талабани олдиндан шахсий келишилган холда ёки талабани хоҳлаган пайтида ўқитиш мумкин.

Масофали ўқитиш орқали

- 1) иккинчи мутахассисликни олиш**
- 2) ногиронларни ўқитиш**
- 3) сиртқи таълим олувчиларни**
- 4) дастур, дарслик бўйича ўқитиш, таълим бериш мумкин**

Масофадан ўқитиш техник воситалардан фойдаланиб таълим беришга, ўқитишга асосланган. Методни келажаги порлок.

Масофадан ўқитишнинг структураси

- 1) ўқитувчи - инструктор**
- 2) коммуникация**
- 3) ўқув материали**
- 4) ўқув жихози-воситалардан иборат**

Ўқитувчи-инструктор ўқитишни, таълим беришни олиб боради, топшириқлар беради, бажарилишини текширади, алоқа, мулоқот, муомала, қилади, савол-жавоблар ўтказади, топшириқлар беради, уларни текширади.). Коммуникация ўқитувчи-конструктор билан талабанинг алоқаси орқали амалга оширилади.

Коммуникация шакллари маъруза консультациялар, электрон форум, видеоконференциялардир.

Коммуникация воситаларига телефон, e-mail, Internet, ўқув материаллари, дастур, дарсликлар, фонограммалардир. Техник воситалар маҳсус хоналарда жихозланиб тайёрланиб қўйилади.

3.3 Маъruzанинг 2 чи қисми ўқилишига тайёргарлик.

3.4 Маъruzанинг 2 қисмини ўқилиши. (25 минут). Сўнг маъruzанинг 2 чи қисми бўйича

фикрлар сўралади.

### **Интерактив методлар**

"Интерактив" сўзи инглизча Interact феълидан келиб чиқкан. У inter -узаро, act - харакат киламан, таъсир қиламан мазмун, маъносини англатади. Бу метод ўқувчи, талабаларни бир-бирига таъсири, фикри мулоҳазаси, фаоллиги орқали мустақил мулоқотга ўргатиш деган маънени беради. Интерактив таълимда монолог, диолог айниқса полилог мухим бўлиб, аниқ ва олдиндан айтса бўладиган максадни, қулай шарт-шароит яратишни назарда тутади. Ўқувчи талаба ўз муваффакиятини тезда билади. Бу метод кейинги икки ун йилликда ишлаб чиқилди, чиқилмоқда, унинг сони 60 дан ошиб кетди, кенг қўлланилмоқда. Унинг моҳияти талабаларнинг очилмаган имкониятлари, салоҳиятларидан кенг фойдаланиш, ишга солиш мустақилликни ривожлантиришни кўзда тутади.

#### **Интерактив фаолият 5 та қисмдан иборат:**

1. Ўзаро боғлиқлик
2. Шахсий масъулият
3. Мулоқотга ундаш учун ўзаро таъсир
4. Бирга ишлаш малакалари
5. Кичик гурӯхларда ишлаш

Яна интерактив методлар

1. Танқидий фикрлашни ўргатишни
2. Таълимни фаол, гурӯх қилиб ўргатишни.

Танқидий фикрлаш уч фазадан иборат:

1. Олдин олинган билимни фаоллаштириш
2. Янги ахборот, маълумотни тушуниш, ўзлаштириш
3. Рефлексия - ўзлаштирилган мазмун, янги ахборот, маълумотни мустаҳкамлаш учун ўз тафаккури доирасида фикрлаш, ўз муносабатини билдириш.

Таълимни танқидий фикрлаш асосида ўргатиш мухимdir, тушунарли, таълимни фаол ва гурӯх қилиб ўргатиш эса ананавий педагогикада олдин қўлланилган, унинг афзаллиги XX аср XXI аср бошларида жуда сезиларли бўлди.

Ўзаро фаоллик, таъсир таълимни фаол ва гурӯх қилиб ўқитишни асосида бўлади. Ўзаро фаоллик таъсир қилиш талаба ўқувчиларнинг бир-бирига таъсирини, нималар биландир таъсир қилишни яъни компьютер, фонограмма, видеограмма, видеофонограмма, ситуациялар ўқитувчини таъсир қилишини кўзда тутади. Ўқувчи талабани мулоқотга ундейди, рағбатлантиради. Шунинг учун бу методда диолог, полилог мухим ўрин тутади, улар асосида бўлади. Тилни ўргатиш муаммоли мавзуларни баҳс, сұхбат орқали олиб борилади.

Интерактив методларни қўлланилганда:

1. Ўқитиш касбий (профессионал) фаолиятни тақлид (имитация) қилиш қайтариш шароитида, вазиятида содир бўлади, амалга ошади
2. Жамоада (коллективда) билим, кўникма, малакаларни бирга гурӯх бўлиб ўзлаштириш имконияти бўлади.
3. Талабаларнинг мустақил фикрлашлари фаоллашади.

Интерактив методлар 3 гурӯх методларга ажратилади:

1. Кичик гурӯхларда ишлаш методлари
2. Гурӯхларда ўқитиш жараёнини оптималлаштириш методлари (ситуация, ўйинлар, конкурс, мусобақалардан фойдаланиш орқали)
3. Турли топшириқ вазифаларни боғлаб ўқитиш методлари.

Кичик гурухларда ишлаш методлари күпчиликни қатнаштириш ва талабаларни бир-бираидан ўрганиш имкониятини яратади. Талабалар фикрларини алмашадилар, ўзларини фикрларини баён қилишга ўрганадилар, талабалар диққатини ўқитувчига эмас қатнашувчига қаратади, уларни таълим олишга, тайёрланишга мажбур қиласи.

Кичик гурухларда ишлаш кўп вақтни талаб қиласи, кимдир талабаларни бошқариши лозим. Хозир кичик гурухларда ишлаш методикасини қуйидаги турлари мавжуд:

1. Бошкотирма Ақлий хужум (Мозговой штурм)
2. Инцидент методи
3. Айланма стол методи (Метод круглого стола)
4. Уч погонали сухбат методи (Метод трех ступенчатого интервью)
5. Ручка стол ўртасида методи. (Метод ручка на середине стола)
6. Галерея методи. (Метод тур по галерее)
7. Ротация методи орқали фикрлар алмашиш (Обзор мнений методом ротации)
8. Кор коптоказалар методи (Метод снежков)
9. Асалари уяси методи (метод пчелиный рой) Уларни кўриб чиқамиз:

**Бошкотирма.** Ақлий хужум. Унинг мақсади бир мавзу хақидаги турли фикр, тушунчаларни йиғиши, жамлаш. Гурухларга бир мавзу берилди, у бўйича турли фикр, тушунчалар тингланишиб, жамланади. Танқидий фикрлаш қўлланилади, ўргатилади.

**Инцидент методи.** "Кўнгилсиз можаро, ходиса, тўқнашиш, низо" ларни хал қилиш максадида ўтказилади. Бу метод инцидент воқеалар бўлгандан қандай харакат нималар қилишни ўргатади. Талабаларга қисқа экспериментал холат, вазият хақида ахборот, маълумот берилди уни 0,5-1,5 минут ичидаги гурухларда тез ечиш, хал қилиш, қарор қилиш топширилади. Сўнг хар бир гурухники тингланишиб туғриси аниқланади.

**Думалоқ стол.** Айланма стол методи. Бу методда таълим берадиган дастурлар текширилади. Думалоқ стол атрофида ўтирганларга карточкаларга ёзилган топшириқлар тарқатилади. Хар бир гурух топшириқка ўз жавобини ёзиб, ёнидагисига узатади. Шундай қилиб хамма гурух жавобини ёзади ва сўнг мухокама қилинади. Нотўғри жавоблар учирилади. Тўғри жавобларга қараб талабалар билимлари баҳоланади.

**Уч погонали сухбат методи.** Хар бир гурухдан шифокор, тоби йўқ, эксперталар тайинланади. "Тоби йўқ" га олдин унинг ташхиси (диагнози) фақат ўзига айтиб қўйилади. Хар бир гурух 10-15 минут давомида тоби йўқларга турли хил саволлар сўраш орқали ташхис қўяди. Эксперт уларнинг ташхисини тинглаб баҳолайди ва уни 3 погонада, бўлимда ёзади.

1. Нима тўғри.
2. Нима нотўғри.
3. Қандай бўлиши керак эди.

**Ручка стол ўртасида методи.** Бу метод орқали хар бир гурухни, қатнашувчиларни текшириш, назорат қилиш мумкин: Хамма гурухга топшириқ берилади. Хар бир талаба унга ўз жавобини ёзиб ёнидагисига узатади ва ручкасини стол ўртасига қўяди. Ўқитувчи хар бир гурухни назорат қиласи, умумий тўғри жавобни тўғрисини аниқлайди, баҳолайди, дафтарига ёзади.

**Галерея методи.** Танқидий фикрлашни, фикр-жавобларни тўлдиришни ўргатади. Гурухларга битта муаммоли мавзуни хал қилиш вазифаси қўйилади, берилади. Хар бир гурух 10 минут давомида ўзини фикрини ёзиб, жавобларини бошқа гурух билан алмашади. Кейинги гурух олдинги гурух жавобини баҳолайди, агарда жавоб нотўғри бўлса ўзини тўғри жавоб вариантини таклиф қиласи, айтади, ёзади. Охирида хамма қатнашувчиларни жавоб-фикрлари мухокама қилинади, тўғри жавоб танланади.

**Ротация методи.** Ротация методи орқали фикрлар шархланади. Танқидий фикрлаш ўргатилади. Аудиторияда бир неча кетма-кет рақамлар қўйилиб, топшириқлар ёзилиб очилиб қўйилади. 2-3 та талабадан иборат хар бир гурух 10 минут давомида уларни ўзлари мухокама қиласи, ва жавобларини ёзадилар ва шундай қилиб хамма топшириқка жавоблар ёзилади. Сўнг хамма жавоблар мухокама қилиниб оптималь тўғриси танланади.

**Кор коптоқчалари методи.** Хар бир гурух 2-3 тадан кичик гурухларга бўлиниб қатнашадилар, бажарилган топшириқ жавобларига баллар қўйилади. Баллар талабаларни рағбатлантиради. Икки гурух талабалар бирга бир масала мавзуни ёки ситуацияни кўп тўғри жавобни топишга ҳаракат қиласидилар. Хар бир тўғри жавоб қор коптоқчаларга ўхшатиб ёзилиб борилади. Талабаларни коптоқчаларни тўплаганларига қараб баллар қўйилади ва баҳо қўйилади.

**Асалари ини методи.** Бу метод қўлланилганда қатнашувчилар билимларини тўлик ишга соладилар. Гурухларга мухокама қилиш учун муаммоли, мавзу, топшириқ берилади. Топшириқлар битта ёки турлича бўлиши мумкин. 10-15 минут давомида топшириқ гурухларда хал қилинади, мухокама қилинади ва бир-бирига айтилади. Сўнг эса энг тўғриси танланади.

### **Хозирги замон педтехнологиялари, интерактив методларининг воситалари.**

#### **Мульти мед и я**

Хозир янги педтехнологиялар, интерактив методларнинг хусусият, тамойилларини хисобга олинниб замонавий воситаларни мономедия, мультимедияни қўллашни, ундан унумли фойдаланишни талаб қилинади. Унда талабанинг ўрганаётган мавзуни - объектни эсда қолиш даражаси хисобга олинади. Талабаларнинг мавзу, объектни, материални қабул қилиши эслаб қолиши қўлланилаётган метод, усуllibарга, воситаларга боғлиқ. Илмий адабиётларда ўқитилган матннинг 10%и, тинглаганни 30%и, агар хам кўриб, хам тингланса 50%и, биз узимиз сўзлаб, гапириб берсак 70%, агарда айтиб бериб уни ўқисак, уни амалда бажарсак 90% эсда сақланар экан. Биринчи холатда талабаларнинг ўрганиш, эсда сақлаши анча паст, пассив, 2чи, Зчи холатда 4-5-6 ларда эса ёдда сақлаш анча юқори, фаол бўлган. Хозирги замонавий чет тили ўқитиш технологиялари, интерактив методлар талабаларнинг эсида яхши сақланиб қоладиган воситаларни қўллашни талаб қиласиди.

Унинг учун замонавий ахборот технологияларидан мономедия, мультимедия усул, воситалардан фойдаланиши. Мономедия битта восита ёки фаолият орқали ахборот, маълумот олишни масалан ўқитиш ёки тинглаш орқали маълумот олишни кўзда тутади. Мультимедия эса - мульти - куп, медиа - хабар, ахборот, маълумот берадиган воситалардан фойдаланиш, қўллашни кўзда тутади. Мультимедия орқали эса бир вақтнинг ўзида экранда ва компьютер, диктофондан қуидагилар тақдим этилади.

- а) графика - объектнинг ўзи тасвири (сурати)
- б) матн - хам ўрганилаётган чет тилида ва она тилидаги таржимаси.
- в) товуш - матннинг хам чет тилида ва она тилидан талаффузи
- г) қайта жойлаштириш - "сичқонча" ёрдамида объект билан хар хил операциялар.
- д) анимация - объектни ҳаракатда, жараёнда кузатиш имконияти.

Булар мультимедиани - компьютерни, дискни, қўллаш, фойдаланиш орқали бўлади. Унинг учун компьютерларда ишлашни, қўллашни билиш зарур. Мультимида компютер - ўқитувчини ўрнини ўйнайди. Мультимидадан фойдаланиб

- 1) замонавий француз тили дарсликлари ишлаб чиқиш
- 2) турли туман мультимидали компьютерли дастур воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш мумкин.

#### **IV. Якун.**

Маърузани тинглаб замонавий педтехнологиялар, интерактив методлар воситалари хақида маълумот олдингиз. Маърузани 2 та қисмини тинглаб, маълумот олганда тушунмаганлар бўлса, марҳамат саволлар беришингиз мумкин, жавоб бераман.

Тушунмаганлар бўлса қайтадан тушунтириб бераман. Маърузани ўқилиши бўйича фикр, мулоҳазаларингизни айтинг. Тинглаб маълумот ола оляпсизми? Маърузанинг керакли жойларининг, фикрларни ёзиб улгурдингизми?

Сизлар шу мавзуда яна нималарни ёритилишини хоҳлайсиз, айтинглар.

## **V. Таянч сүз, сүз иборалари, атамалар, терминлар.**

Педтехнология, интерактив атамалари. Коммуникация, гипнотерапия, релаксация, ритмопедия, суггестопедия, нутқ оқимида бўлиш, мультопедия, интернет.

## **VI. Текшириш учун савол, топшириқлар.**

1. Педтехнологиялар, интерактив методларни қўлланилишини сабаби нима?
2. Педтехнологиялар, интерактив методларни қўллашни нега зарурияти туғиляпти?
3. Педтехнология, интерактив атамаларни қандай тушундингиз?
4. Қандай замонавий педтехнологияларни тинглаб билиб олдингиз? Номларини айтинг.
5. Хар бир методларга қисқача таъриф беринг.
6. Хозирги пайтда энг кўп қўлланиладиган воситалар номларини айтинг.
7. Сизларни дарсларингизда юқорида айтилган методларни қайси бирини ўқитувчиларингиз қўллаяптилар?
8. Ўқитувчиларингиз қўллаётган методларни натижалари тўғрисида гапириング.

## **VII. Адабиётлар.**

1. Ю. Абдуллаев, А. Бушай. Иностранный язык в современном мире. Ташкент 200 йил.
2. Н.С. Гальскова. Современная методика обучения иностранным языкам. Москва 2000.
3. Бузон Интерактивные методы преподавания. Москва 1998.
4. И.Я. Степко. Использование новых педагогических технологий в образовательном процессе. Москва 2002.
5. А.К. Азизходжаева. Педагогик технология. Ташкент 2008.
6. Б.С. Фаберман Педагогическая технология. Проблемы и её использование. Ташкент 2004.
7. Н.Д. Гальскова и Н.И. Гез – Теория обучения иностранным языкам Москва 2008.

## 4 - МАЪРУЗА

### МАВЗУ: Французча талаффузни ўргатиши

#### РЕЖА:

1. Талаффузни ўргатишнинг аҳамияти, дастур талаби.
2. Талаффуз материалларини танлаш.
3. Талаффуз материаларини ўргатишида она тилининг роли ва унинг устида ишлаш.
4. Турли босқичда талаффуз устида ишлаш.
5. Талаффузни ўргатишида кўлланиладиган машқлар.

Талабаларни эътиборини тортиш учун савол: “Французча талаффуз нормаси” деганда нимани тушунасиз?

1-қисм:

Француз тилида оғзаки ва ёзма нутқларни ўқитишида талаффуз нормаларини тўғри кўйиш катта аҳамиятга эгадир. Биламизки, мактаб шароитида талаффуз алоҳида аспект сифатида ўргатилмайди. Нутқ фаолияти турларини ўргатиш, ўстириш жараёнида, хамда лексик ва грамматик материалларни ўргатиш жараёнида талаффуз устида ишланади. Юқорида айтганимиздек, талаффуз нормасини тўғри ўргатмаслик нутқни тўғри тушунмасликка олиб келади. Агар ўқувчининг талаффуз нормаси тўғри қўйилмаган бўлса, бир томондан унинг нутқини тушуниш қийин бўлса, иккинчи томондан унинг ўзи бошқаларнинг нутқини тушуна олмаслиги мумкин. Нутқни тушуна олмаслик нафакат оғзаки нутқ шаклини ўстиришга нотўғри таъсир қиласди, ёзма нутқни, яъни фикрни ёзма баён қилишга ҳам ўқиганни мазмунини тўғри тушунишга ҳам салбий таъсир қиласди. Талаффуз материалларини танлашда ва уни тақсимлаб ўргатишида аппроксимация ходисаси асосланади. Ушбу тамойил чет тил ўргатишида икки тамойилига таъсир қиласди:

1. Мумкин қадар адабий талаффузга яқин талаффузни ўргатиш бўлса;
2. Ўргатиладиган талаффуз материалларини, оҳанг намуналарини чегаралашни ўз ичига олади.

Адабий талаффузга яқин талаффузни ўргатиш деганда тўлиқ адабий услугуб назарда тутилади, яъни товушларни тўғри, равшан талаффуз килиш билан бирга тўғри оҳанг нормалари устида ишлаш, урғуларни, ритмик группаларни, пауза хамда логик урғуларни тўғри ўргатишни ўз ичига олади.

Талаффуз материалларини чегаралаш деганда фонемаларни вариантларини олмаслик ва оҳанг намуналарини мактаб шароитида пасаювчи ва кўттарувчи оханглар билан чегаралаш назарда тутилади.

Юқорида айтилганлар, яъни аппроксимация тамойилини талаффуз материалларини танлашга, уни чегаралашга таъсир қилиши тилни коммуникатив ёки амалий мақсадда ишлатилишига ижобий таъсир қиласди, коммуникация нормаларини бузмасликка олиб келади.

Аппроксимация ходисаси асосида талаффуз материалларини танлаш икки хил тамойил назарда тутилади:

1. нутқ фаолиятларини ўргатиш учун зарур бўлган материалларни танлашда бўлса;
2. стилистик, яъни тўлиқ услугуб учун зарур бўлган материалларни танлашдан иборатdir.
3. Ушбу тамойилларга мактаб шароити учун она тили талаффузини ҳисобга олиш тамойилини ҳам қўшиш мумкин.

Она тилини ҳисобга олиш тамойили асосида, ҳамда она тилини ижобий ва салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда французча товушларни З гурхага бўлиш мумкин:

1. Ўзбек тилидаги товушларга ўхшаш французча товушлар.
2. Ўзбек тилидаги товушларга яқин, лекин қисман фарқ қилувчи товушлар.
3. Ўзбек тилида учрамайдиган, йўқ товушлар.

Танланган талаффуз минимумни ўргатишдан олдин уни методик ташкил қилиш яъни синф ва дарсларга тақсимлаш ва уни методик типология қилиш ҳам зарур. Ушбу ишлар дарслик авторлари томонидан бажарилади. Ўқитувчи учун ўқувчиларга тўғри метод, усул танлаб талаффуз материалларини танишириш, уларга ўргатиш, уларни нутқ фаолияти турларида мустаҳкамлаш ишлари қолади.

Дарслик авторлари фонетик минимумни синфларга, чоракларга, дарсларга бўлиб чиқишида ва уларни мустаҳкамлаш учун машқлар тузиб беришади.

Ўрта мактаб шароитида талаффуз нормасини қандай сақлаб қолиш мумкин?

2-қисм:

Талаффуз материалларини ўргатишда Зта метод қўлланилади:

1.Иммитация ёки тинглаб тақлид қилиш методи. Бунда ўргатилаётгай товуш ёки оҳанг намунаси нутқ наъмунасида ўқитувчи томонидаи бир неча маротаба талаффуз қилиб кўрсатилади, кейин биргаликда талаффуз қилинади, кейин эса товушларни ўзи, сўзларда ва нутқ наъмуналарида ўқувчилар томонидан талаффуз қилинади.

Ўқувчилар товушни талаффуз қилиш пайтида ўқитувчи яхшилаб тинглаб туриши лозим. Агар ўқувчилардан бир қанчаси нотўғри талаффуз қилганини сезиб, эшитиб қолса, ўқитувчи уларга кейинги, яъни тушунтириш методини қўллаши мумкин. Бунда ўқитувчи ўқувчи талаффуз қилиши жараёнида қилган камчилигини тўғри, аниқ кўрсатиб берииши лозим.

2.Тушунтириш методи товушни талаффуз қилишдан олдин қўлланилиши ҳам мумкин, яъни товушни талаффуз қилиш тушунтирилгандан кейин тақлид қилиш методига ўтилади.

3.Таҳлил қилиш методи. Бу метод кўпроқ она тилида йўқ товушларни ўргатишда қўлланилади, яъни янги товушни артикуляцион базаси таҳлил қилиб тушунтирилади. Ўқувчилар томонидан товушни талаффуз қилишда якка-якка талаффуз қилдириш мақсадга мувофиқдир.

Юкорида айтилган З хил товушларни ўргатиш жараёнини она тилини салбий ва ижобий таъсирини ҳисобга олган ҳолда қаралса 1-хил товушларни, яъни она тилидаги товушларга ўхшаш товушларни ўргатишда ўзбек тилидаги товушларни тўғридан — тўғри ўтказишимиз (перенос) мумкин. Лекин бунда инглиз тилидаги товушларни ўзига хос хусусиятларини ўқувчиларга тушунтириб кетишимиз лозим бўлади, она тилидаги ушбу товушларни инглиз тилидаги ўхшаш товушлар ўрнига кўчириб ўтказиш коммуникацияга салбий таъсир кўрсатмайди.

Талаффуз материали ўқувчиларга таниширилганидан кейин уни нутқ фаолиятини турларида қўллаш учун машқлар ёрдамида мустаҳкамлашади.

Ўрта мактаб шароитида асосий мақсад оғзаки нутқни ўстириш бўлганлиги сабабли талаффуз материалини ўзлаштириш машқлари ҳам шунга қаратилган бўлиши керак, яъни тақлид қилган, камтариш, товушларни сўзларда, гап наъмуналарида фарқлаш, уларни тўғри оҳанг моделлари билан қайтариш машқлари кўпроқ қўлланилади.

Академик лицей, касб-хунар коллежи ҳамда гимназияларнинг юкори босқичларида мақсад кўпроқ ўқитиши ўргатишга қаратилиш бўлиши сабабли ўқувчиларга ҳарфдан товушга ўтиш машқларини бажариш лозимдир, яъни ўқиш жараёнида товушларни, интонацион моделларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш гапларни ва матнларни мазмунини тушунишга олиб келади.

Умуман олганда тўғри талаффузни ўргатиш машқлари икки хил бўлади:

1. Тинглаш машқлари;
2. Тинглаб қайтариш машқлари;

Фонетик машғулот кўпинча икки устун сўзлардан иборат бўлиб, икки хил товушларни тўғри талаффуз қилишга қаратилган бўлади. Бу ишни бажаришда яхши ўқувчи сўзларни тўғри талаффуз билан ўқийди, қолган ўқувчилар қайтарадилар. Ўқитувчи назорат қилиб туради, хато бўлса, тўғрилайди. Худди шу йўсинда интонацион моделлар хам олиниши мумкин.

Ўрта мактаб шароитида талаффузни ўргатиш, чет тилни ўргатишнинг бошлангич босқичида олиб борилади, яъни талаффуз нормасини тўғри қўйиш ушбу босқичда шакллантирилади ва мустаҳкамланади. Кейинги босқичда бошлангич босқичда ўргатилган талаффуз нормалари йўқолмаслиги учун ҳар хил машқлар бажариш мақсадга мувофиқдир. Бу машқлардан асосийси фонетик машғулот ҳисобланади. Ундан ташқари матнларни бир қисмини овоз чиқариб ўқитиши, қиска шеърларни ёд олдириш, мақол ва маталларни ёд олдириш, тез айтиш машқларини бажариш ва шунга ўхшаш машқларни бажариш аввал ўрганилган талаффуз нормасини эсдан чиқармасликка олиб келади.

### **Терминлар, методик тушунчалар**

1. талаффуз нормаси
2. талаффуз материалларини танлаш
3. апроксимация ҳодисаси
4. оҳанг наъмуналари
5. ритмик группалар (гурухлар)
6. талаффуз материалларини чегаралаш
7. тўлиқ услугуб талаффузи
8. она тили талаффузини ҳисобга олиш
9. талаффуз материалини методик типология қилиш ва уларни тақсимлаш
10. талаффузни ўргатишда имитация (тақлид қилиш) методи
11. тушунтириш методи
12. таҳлил қилиш методи
13. она тили малака ва кўникмаларини чст тил ўргатишда кўчириш (перенос)
14. ички ва ташқи интерференция

### **Муҳокама учун савол ва топшириқлар:**

1. Ўрта мактаб шароитида инглиз тили талаффуз нормасини тўғри қўйиш мумкинми?
2. Талаффузни ўргатиш тилни репродуктив ва рецептив равишда ўргатиш билан боғлиқми?
3. Фонетик материални танлашда асосан қандай тамойилга таянамиз ванима учун?
4. Фонетик материални методик типология қилиш нима учун керак?
5. Француз тили фонетик материалини она тили товушлари билан қиёслаш нима учун керак?

6. Интерференция деганда нимани тушунасиз?

7. Француз тили талаффузини ўргатиша ижобий күчириш (перснос)ни мисоллар орқали кўрсатинг.

8. Француз тилидаги қандай товушларни ўргатиша янги артикуляция базаси яратилади?

9. Талаффузни ўргатиша қандай методлар қўлланилади?

10. Талаффузни ўргатиша қандай машқлардан фойдаланамиз?

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Гез Н.И., Ляховицкий. М.В, Миролюбов А.А. ид. Методика обучения иностранным языкам в средней школе 1982г.
2. Миролюбова А.А, и др. Теоретические основы обучения иностранным языкам в средней школе. М. 1981.
3. Шатилов С.Ф. Методика обучения немецкому языку в средней школе. М. 1986
4. Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам. М.1977
5. Бим И.Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблема школьного учебника. М. 1977
6. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Т.1996
7. Н.И.Гез Некоторые проблемы начального этапа обучения иностранным языкам. ИЯШ. 1963. №4
8. А .С. Границкая . Взаимоотношение анализа и имитации в процессе обучения иностранному языку. Автореферат к/д. М. 1965.

## 5 - МАЪРУЗА

### МАВЗУ: Француз тили грамматикасини ўргатиши

#### РЕЖА:

1. Грамматикани ўргатишдан мақсад, унинг ахамияти, дастур талаблари.
2. Фаол ва нофаол грамматик материални танлаш.
3. Француз ва она тили грамматикасини методик мақсадда таққослаш.
4. Чет тили грамматик материаллари устида ишлаш ва унинг босқичлари.
5. Грамматик малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришда кўлланиладиган машқлар.

Талабаларни диққатини жалб қилиш учун ақлий хужум: Тиллар ўқитиши методикасида “нутқ намунаси” тушунчалик. Ҳаммадан сўралади.

#### 1-қисм.

Тил материалини, яъни грамматикасини ва лексикасини ўргатишдан асосий мақсад ушбу тилнинг оғзаки ва ёзма нутқларини эгаллашдан, яъни бу тилда гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш малакаларини шакллантириш ва кўнишка сифатида ривожлантиришдан иборатdir. Шу билан бирга ўрганилаётган тилнинг грамматик структурасини яхши ўзлаштириб олмасдан ушбу тилда нутқ ҳосил қилиш мумкин эмас. Ўқувчи гапдаги ҳамма сўзларни била туриб, уларнинг ўртасидаги боғланиш коидаларини билмаса, у гапнинг мазмунини тушуна олмайди ёки нотўғри тушуниши мумкин. Шунинг учун ўқувчиларда грамматик қоидаларга асосланган ҳолда, тўғри сўз тартибини гапларда кўллаш малака ва кўнишкаларини шакллантириб, уларни ривожлантириш мақсадга мувофиқdir ва грамматикани ўргатиши шунга қаратилмоғи керак.

Психология ва методикага оид адабиётларда ҳар қандай тил материалини, шу билан бирга грамматик материални ҳам фаол ва нофаол равища эгаллаш фарқ қилинади. Тил материалини фаол равища эгаллаш деганда биз уни нутқ фаолиятини ҳамма турларида (нутқ фаолиятининг репродуктив ҳам рецептив турларида) автоматик равища ишлата олишни назарда тутамиз. Нофаол равища ишлатиш деганда фақат рецептив турларида, яъни тинглаб тушуниш ва ўқишда ишлатиш назарда тутилади. Бу деганимиз методикада фаол ва нофаол тил материалини танлашда ҳар хил тамойилларга таянишимиз керак, чунки уларни ўргатишда ҳам ҳар хил усусларни, методларни кўллаймиз ва бу йўл билан вақтни тежаб қоламиз.

Методик адабиётларда грамматик минимумни танлаш тамойиллари ишлаб чиқилган. Нутқ фаолиятининг ҳамма турларида ишлатиш мумкин бўлган грамматик ҳодисалар фаол грамматик минимумга киритилади.

#### Бу тамойиллар қўйидагилар:

- 1) оғзаки нутқда кўп қўлланилиши тамойили;
- 2) намунавийлик тамойили;
- 3) синонимларни чиқариб ташлаш тамойили.

Грамматик минимумни танлашнинг биринчи ва иккинчи тамойилларига асосланиб фақат оғзаки нутқда кўп қўлланиладиган ҳамда лексик материалининг кўп қисмига тадбиқ этилиши мумкин бўлган грамматик ҳодисалар киритилади.

Учинчи тамойилга мувофик ҳамма грамматик синонимлар ичидан фақат стилистик жиҳатдан нейтрал бўлган грамматик конструкциялар киритилади. Масалан: келаси замонда бўладиган иш харакатни француз тилида З хил ифодалаш мумкин:

Юкорида айтилган тамойиллар асосида танланган грамматик материал мактаб дарсلىклари муаллифлари томонидан, мактаб дастурига амал қилған ҳолда синфларга, чоракларга ва дарсларга тақсимлаб чиқилади.

Грамматик материални ўқувчиларга ўргатишдан олдин уларни методик типология қилиш учун она тилдаги тұғри келадиган грамматик ҳодисалар билан қиёслаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Методик типология деганда биз грамматик шакл ҳамда грамматик мазмунни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши жараёнида хосил бўладиган қийинчиликлар миқдорини аниқлаб, уларни группалаштиришга айтамиз.

Хар кандай грамматик ҳодисани ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олиниши унинг шакли (талаффуз ва график), мазмуни ва гапларда қўлланишиш (функцияси) билан боғлиқдир.

Француз тили анализатор тиллар гурӯхига кирса, ўзбек тили эса синтетик тиллар гурӯхига киради. Шунинг ўзини билишимиз грамматик ҳодисаларни методик жиҳатдан қиёслашда грамматик шаклни ўзлаштиришда анча қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Француз тилидаги предлогларни ҳам ўзбек ўқувчилари томонидан ўзлаштирилиши қийин материал ҳисобланади, чунки биринчидан ўзбек тилида предлоглар йўқ, иккинчидан уларинг ўзи доимо бир хил грамматик мазмунга эга эмас.

Худди предлогларга ўхшаб артикларнинг ўзбек тилида мавжуд эмаслиги, ўқувчиларга катта қийинчилик туғдираади. Артикларни тұғри танлаш қоидаларини кўплиги ва уларни ўта мавхум бўлганлиги хам қийинчиликлар хосил қиласади.

Юкорида айтилган чет тили ўқитиш жараёнида хосил бўладиган айрим қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда ва уларни бирма — бир бартараф этиб, хар хил машқлар ёрдамида грамматик малакаларни ўстириш ва мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Кўпчилик методистларнинг фикрича грамматик материал устида ишлаш тўрт асосий босқичдан иборатdir:

2-қисм.

1. Грамматик ҳодисаларни киритиш ва грамматик малакаларни шакллантириш.
2. Нутқ грамматик малакаларни шакллантириш учун уни оғзаки нутқда қўллаш.
3. Нутқ грамматик малакаларини мустаҳкамлаш учун нутқ фаолиятини бошқа турларида қўллаш.
4. Нутқ кўникмаларини хосил қилиш ва уни мустаҳкамлаш.

1. Биринчи босқичда грамматик ҳодисаларни киритиш уни ўқувчиларга таништириш билан ифодаланади. Иккичидан ушбу босқичда киритилган грамматик шаклни (талаффуз ва график) машқлар ёрдамида биринчи бор мустаҳкамланади ва грамматик малакаларни шакллантиришга асос солинади.

Грамматик ҳодисаларни киритишида, тушуитиришда 3-та метод қўлланилади:

1. индуктив метод
2. дедуктив метод
3. лексик метод.

Индуктив метод деганда биз аввал ўқувчиларга маҳсус таёрган мисолларни кўрсатиш (оғзаки ёки ёзма нутқда) ва улар ёрдамида наъмуналар, моделлар яратиб, қоидалар ишлаб чиқиши йўли билан ўрганишга айтамизки. Бу метод билан ўргатишда ўқитувчи, уйда анча тайёргарлик кўрган бўлиши лозим, қийинчиликларни бартараф қилиш йўлларини олдиндан ўйлаб чиқсан бўлиши керак. Бу метод билан ўргатишда

ўқувчиларнинг ўрни ўзгача бўлади, улар фаол қатнашишларига тўғри келади, уларнинг ўзлари моделлар, қоидалар ишлаб чиқишилари лозим бўлади. Бу эса уларда дикқат, кузатувчанлик, мантиқий фикрлаш, қиёслаш ва фарқлаш қобилияtlарини ўстиради. Дедуктив метод деганда бирон бир грамматик ҳодисанинг аввал қоидаси берилади ва унинг асосида мисоллар ишлаб чиқилади ва машқларда мустахкамланади.

Бу қуйидагиларга боғлиқ:

1. ўқитувчининг малакасига
2. чет тилини ўқитиш босқичига
3. чет тили ўқитиш мақсадларига
4. грамматик материални фаол ёки нофаол ўзлаштирилишига
5. чет тилида ўргатилаётган грамматик ҳодисани она тилида бор ёки йўқлигига
6. ўқувчиларни чет тилидаги тажрибасига.

2. Тил материали устида ишлашнинг иккинчи босқичида, яъни нутқ грамматик малакларини шакллантириш учун оғзаки нутқда кўллаш босқичида киритилган грамматик ҳодисани иложи борича тил машқларида кўллаб грамматик малакалар шакллантирилади, яъни грамматик автоматизм ҳосил этилади.

3. Учинчи босқичда эса оғзаки нутқ грамматик автоматизм нутқ фаолиятининг бошқа турларида ҳам кўлланиб грамматик малакалар ривожлантирилади. Бу босқичда ҳосил қилинган грамматик малакалар нутқнинг гапириш ва гаплашиш турларида, ўқилган матнни ўргатилган грамматик ҳодисаларни кўллаб репродукция қилиш, фикрни ёзма баён қилишда ҳам bemalol, qiyonalmasdan ishlatiшgacha olib kelinadi. Бунда шартли ва ҳақиқий нутқ машқлари бажарилади.

4. Бу босқичда нутқ фаолиятининг ҳамма турларида ўстирилган малакалар асосида нутқ кўникмаларни ҳосил қилиш назарда тутилади, яъни бу босқичда ўқувчи атрофимизда содир бўлаётган ҳодиса ва воқеалар тўғрисида оғзаки ва ёзма нутқда ахборот олиш ва ахборот бериш кўникмалари ҳосил бўлиши лозим.

Ўқувчиларга грамматик ҳодисани тушунтириб, грамматик малакаларни шакллантириш ва уларни ривожлантириб нутқ кўникмаларига айлантириш жараёнида 3 хил машқлар ишлатилади:

1. тил машқлари
2. шартли нутқ машқлари
3. нутқ машқлари

Тил машқлари деганда грамматик ҳодисанинг грамматик шакли ва грамматик мазмунни ўзлаштиришда кўлланиладиган машқлар назарда тутилади. Шартли нутқ машқларини бажаришда грамматик ҳодиса нутқ фаолиятининг барча турларида ишлатилади, лекин бунда таянч воситалари, калит сўзлар, мавзуий расмлар, тарқатма материаллар, вазиятлар ўқитувчи томонидан берилади.

Хақиқий нутқ машқларида эса грамматик ҳодиса оғзаки ва ёзма равища фикр алмашиш жараёнида қулланилади.

### **Терминлар, методик түшүнчалар**

1. грамматик структура
2. грамматик материални фаол ва нофаол равишида эгаллаш
3. рецептив ва репродуктив грамматик материал
4. грамматик материални танлаш тамойиллари
5. грамматик материални методик типология қилиш
6. грамматик шакл, грамматик мазмун
7. грамматик материални киритишда индуктив, дедуктив ва лексик методлар
8. чет тил тажрибаси (ўқувчиларнинг)
9. грамматик автоматизм
10. шартли ва хақиқий нутқ машқлари
11. таянч воситалари

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Гез Н.И., Ляховицкий. М.В, Миролюбов А.А. и др. Методика обучения иностранным языкам в средней школе 1982г.
2. Миролюбов А.А, и др. Теоретические основы обучения иностранным языкам в средней школе. М. 1981.
3. Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам. М.1977
4. Бим И.Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблема школьного учебника. М. 1977
5. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиши методикаси. Т.1996
6. Пепеляев А.К. Методическая типология грамматики. ИЯШ, 1987. №2
7. Рахманов И.В. Модели и их использование при обучении иностранному языку. ИЯШ. 1965 №4

## **6 -МАЪРУЗА**

### **МАВЗУ: Француз тили лексикасини ўргатиш**

1. Лексик материални ўргатишнинг аҳамияти, роли, дастур талаблари
2. Лексик материални танлаш тамойиллари (фаол ва нофаол лексика)
3. Француз тили лексикасининг ўзига хос хусусиятлари
4. Лексикани методик типология қилиш ва тақсимлаш
5. Лексик материал устида ишлаш
6. Лексик материални ўргатишда қўлланиладиган машқлар

Талабаларни жалб қилиш учун “Лексик бирлик” тушунчасини маъносини аниқлаб олиш.

1. Лексик материал деганда биз ўрганилаётган тилнинг сўзлари ва сўз бирикмаларига айтамиз. Лексик материал тилнинг асосини ташкил қиласи. Лексикани ўргатишдан мақсад уни оғзаки ёки ёзма нутқда қўллашдир, бошқа сўзлар билан айтганда бу ёзма ёки оғзаки равища ахборот алмашишни ташкил қиласи. Бундан қўйидаги хулоса келиб чиқадики, лексик материални ўргатмасдан туриб, у ёки бу тилда нутқ фаолиятининг турларини шакллантириш ҳам ва уни ривожлантириш ҳам амалга ошмайди. Шундай қилиб у ёки бу тилнинг нутқ фаолияти турларини ўргатишимида лексиканинг роли муҳимдир.

Гимназия, коллеж, академик лицейлар сони кўпайиб бораётган ҳозирги даврда, чет тилини ўргатишдан мақсад ва мазмун, шу билан бирга лексик материални ўргатишдан кўзда тутилган мақсад ва мазмун ҳам ўзгариб бормоқда.

Бир томондан ўрта мактабда чет тили бўйича ўргатилиши лозим бўлган лексик минимумни сони камайтирилган бўлса, гимназия, академик лицей ва коллежларда ўргатилиши лозим бўлган лексик бирликнинг (минимумнинг) сони ошиб боради, яъни ушбу ўқув юртларида чет тили, грамматик ва лексик минимумнинг кенгайтирилиши билан чукурроқ ўргатилади.

Уларнинг микдори эса ҳар хил ўқув юртлари учун чиқарилган дастур асосида чегараланади ва мувофиқлаштирилади.

Шу билан бирга ўқув дастурида фаол ва нофаол равища ўзлаштирилиши лозим бўлган лексик минимумнинг сони, микдори ҳам аниқ белгилаб берилади. Лексик минимум деб у ёки бу ўқув муассасаларида ўзлаштирилиши лозим бўлган чет тилидан лексик бирликларнинг сонига айтилади.

Ҳар хил типдаги ўқув юртларида ўргатиладиган лексик минимумнинг сони ўқитиши мақсадлари ва ўқитиши мазмуни билан чегараланади ҳамда уларнинг сони ҳар хил бўлади.

Масалан, ҳозирги даврда ўрта ўмум таълим мактабларда, яъни 9-синфгacha: 1100 лексик бирлик ўзлаштирилиши лозим. Гимназия ва академик лицейларда эса ҳаммаси бўлиб 2500гача лексик бирлик фаол равища ўзлаштирилиши лозим.

Шундай қилиб лексик минимумни қандай ўқув муассасасида ўзлаштирилиши лозим эканлиги бўйича ушбу ўқув юрти ёки олийгохнинг чет тиллар бўйича дастури билан чегараланади.

2. Лексик минимумни чегараланиши ёки методик термин билан айтганда танланиши бир қанча масалалар билан боғликдир:

1. чет тили ўқитишнинг амалий мақсади билан
2. қандай билим юртида ўргатилиши билан
3. нутқ фаолиятини қайси турларини ўстириш билан боғликдир, яъни фаол ва нофаол лексик минимумнинг миқдори билан.

Лексик минимумни танлашда бир қанча тамойилларга таянамиз.

Фаол минимумга (асосан):

1. оғзаки нутқда кўпроқ қўлланилиши тамойили;
2. мавзу бўйича танлаш тамойили;
3. бошқа сўзлар билан боғлана олишлиги тамойили;
4. намунавийлик тамойили;
5. синонимларни чиқариб ташлаш тамойили.

Нофаол минимумга эса:

1. ёзма-адабий тилда кўпроқ ишлатилиши тамойили;
2. кўп маънога эга бўлиш тамойили;
3. қўшимчалар орқали сўз ясай олиш тамойили.

Юкорида айтилган тамойилларга асосланган ҳолда фаол ва нофаол минимум танланади. Фаол минимум деганда нутқ фаолиятини барча, яъни ҳам рецептив, ҳам репродуктив турларида (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) ишлатилиши мумкин бўлган лексик бирликка айтилади.

Нофаол минимум деганда биз нутқ фаолиятининг фақат рецептив, яъни тинглаб тушуниш ва ўқиш турларида ишлатиладиган лексик бирликларга айтамиз.

Бундай сўзлар, яъни фаол ва нофаол сўзлар она тили ва биринчи чет тилимиз (рус) тилида ҳам мавжуддир. Шундай сўзлар борки тинглаганимизда ва ўқиганимизда жуда яхши тушунамиз, лекин ушбу сўзларни оғзаки нутқимизда ёки фикримизни ёзма баён қилишимизда она тилда ҳам, шу билан бирга ўрганилаётган чет тилимизда ҳам автоматик равищда, ўйламасдан ишлата олмаймиз. Булар **нофаол** минимумга киради.

Хар қандай лексик бирликни уч томони мавжуддир:

1. Шакли
2. Маъноси
3. Функцияси

Сўзнинг шакли ҳам ўз навбатида икки хил ифодаланади:

1. Товушлар орқали
2. Ҳарфлар орқали, яъни график шакли.

Сўзларнинг иккала шаклида, яъни талаффуз ёки ёзув орқали ифодаланишида ҳаракат қилиш орқали бажарилади.

Биринчисида нутқ органларининг ҳаракати орқали бажарилса, иккинчисида эса қўлнинг ҳаракат қилиш орқали содир бўлади.

Уларни қабул қилишда эса биринчи шаклни эшитиш орқали қабул қилинса, иккинчисини эса кўриш сезгиси орқали қабул қилинади. Сўзларни шаклини қабул қилиш билан бирга уни тасаввур қилиш жараёни бошланади. Тасаввур қилганимизда эса ушбу сўзнинг тушунчаси ҳосил бўлади.

Ўз томонидан тушунча тил бирлиги бўлмасдан, тафаккур бирлигидир. Яъни тасаввур қилинг бу атрофимида содир бўлаётган воеа ва ҳодисаларни тафаккур бирликлари орқали миямиз қобиғида акс этилишига айтамиз.

Тил билан тафаккурни боғлиқлигини ҳисобга олган холда олсак, тушунчалардан сўзларнинг маъноси келиб чиқади. Ўз навбатида маъно эса тил бирлигидир.

Нутқ деганда эса И.А.Зимняйнинг фикри бўйича бу фикрни тафаккур бирликлари орқали шаклланиши ва уни қандайдир бир тил тизими ёрдамида ифодаланишига айтамиз. Маъно тушунча билан боғлайдир. Маънони эса нутқнинг ёзма ва оғзаки шаклига қараб график ва товуш шаклида ифодаланади.

Бундан кўйидаги методик хулоса чиқаришимиз мумкинки, фикр бирлиги тушунча ҳар хил тилларда ҳар хил шаклда ифодаланади.

Тилшуносликнинг хусусиятлари 2 гурухга ажратилади:

Лексикани методик типология қилишда асосий эътибор уларни талаффуз ва график шакллари, маъноси, ҳамда гапдаги функцияларига берилади. Ўзлаштирилиши қийин бўлган сўзларни ўргатишдаги ўқитувчининг ўзи қўшимча машқлар ишлаб чиқади ва уларни дарс жараёнида қўллаши лозим.

Дарснинг иккинчи қисмида:

- 1) Талабалардан қандай қилиб она тилдаги сўзларни бермасдан маъносини очиш мумкин?

Лексик материал устида ишлаш 3 босқичда олиб борилади:

1. лексик бирликни киритиши
2. лексик малакаларни шакллантириши
3. лексик кўнималарни ҳосил қилиши

1-босқичда қилинадиган ишлар қўйидагилардан иборатdir:

1. лексик бирликларни товуш ва график шаклини очиш;
2. лексик материални маъносини очиш;
3. уларни биринчи бор мустахкамлаш.

2-босқич. Лексик малакаларни шакллантириш ва ўстириш босқичида кўпроқ тил ёки тайёрлов машқлари бажарилиб лексик бирликнинг шакли ва маъносини устида машқлар бажарилади. Ушбу машқлар аввал оғзаки нутқ малакаларини ҳосил қилишга ва қийин ёзма нутқ машқларида ҳам қўлланилиши лозим.

3-босқич. Нутқ күнікмаларини ўстириш босқичида лексик бирлик күпроқ нутқ машқларида құлланилиб, оғзаки ва ёзма нутқда автоматизмга олиб келинади.

Биз асосан 1-босқичда қилинадиган ишларнинг кетма-кетлигини қараб чиқишимиз лозим.

4. Лексик бирликни товуш ва график шаклини очиш уни биринчидан фаол ёки нофаол лексик материаллігінше, иккінчидан қайси босқичда ва қандай мақсадда ўргатилиши лозимлігі билан боғлиқдір. Агар лексик бирлик фаол сўзлар гурухига киритилган бўлса биринчи уни товуш шаклини очилган маъқул, агарда сўз ўқиш учун зарур бўлса, нофаол лексик материал гурухига кирса биринчи график шакли кўрсатилгани мақсадга мувофиқдір.

5. Сўзларни товуш ёки график шакллари аввал гапларда, нутқ намуналаріда ишлатилиб, кейин ажратиб олинади, талаффузи хор билан, яккана якка ўкувчилар томонидан айтилади. Кейин эса ушбу сўзлар доскага ёзилган шакли ёки қоғозга ёзіб келтирилган кўргазмадаги шакли кўрсатилади, ўқилиши тушунтирилади. Кейин лексик бирликни маъносини очишга ўтилади. Сўзларни маъносини очиш асосан 2 метод орқали амалга оширилади:

1. таржима методи
2. таржимасиз методи орқали.

1. Таржима методи икки хил усулда олиб борилади:

1. тўғридан — тўғри таржимасини бериш
2. таржимасини бериб изохлаш, талқин қилиш.

Ушбу метод кўпроқ синфда, ўкувчилар сони кўп бўлганида, таржимасиз очиш мумкин бўлмагандан, вактимиз камроқ бўлганида қўлланилади.

2. Таржимасиз метод орқали сўзнинг маъносини очища бир неча усуллар мавжуд:

1. Кўргазма ли қуроллар ёрдамида очиш. Бунда ўқитувчи предметни (жисм, нарса) ни ёки унинг расмини кўрсатиш орқали.
2. Хатти — харакат, имо — ишора ёрдамида сўзни маъносини очиш.
3. Контекст ёки ситуация ёрдамида очиш усули.
4. Сўз ясаш қўшимчалари орқали. Бунда ўқитувчи қўшимчаларнинг маъносини беради.
5. Синоним ёки антонимлар ёрдамида.

Таржимасиз метод орқали сўзни маъносини очища ўкувчилар мустақил фикрлашга ўрганади. Француз тилига бўлган қизиқишилари ошади, онгли тушунадилар, ўқитувчининг уйда кўпроқ тайёрланишига тўғри келади.

6. Лексик материални ўргатишида, асосан ҳозир икки машқ турлари мавжуд:

1. тил ёки тайёрлов машқлари
2. нутқ ёки коммуникатив машқлар

Биринчи типдаги машқлар асосан сўзни шакллари на маъноси устида ишлашда, ҳамда оғзаки ва ёзма нутқ малакаларни шакллантиришида қўлланиладиган машқларга айтилади.

Иккинчи типдаги нутқ машқлари эса нутқ малакаларини ўстириб, оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларни ҳосил қиласди.

### **Терминлар, методик тушунчалар**

1. лексик материал (минимум)
2. фаол ва нофаол лексик минимум
3. чет тиллар ўқитиш мақсадлари
4. рецептив ва репродуктив, лексик минимум
5. лексик материални методик типология қилиш
6. лексик бирликни шакли ва маъноси
7. лексик бирликларнинг товуш ва график шаклларини очиш
- 8 . семантизация қилиш
- 9.лексикани ўргатишда киритишда таржима ва таржимасиз методлар
10. тил ва тайёрлов машқлар
11. нутқ ва коммуникатив машқлар.

### **Мухокама учун савол ва топшириклар:**

1. Лексик материални ўргатишдан мақсад нимадан иборат?
2. Турли ўқув юртларида чет тили лексикасини ўргатишдан дастур талаблари нимадан иборат?
3. Фаол ва нофаол лексик материал материал деганда қандай сўзларни тушунасиз?
4. Француз тили лексикасини ўргатишда қандай қийинчиликлар мавжуд?
5. Лексикани методик типология қилиш деганда нимани тушунасиз?
6. Лексик материални шаклини очища қандай метод ва усууллар қўллайсиз?
7. Лексикани маъносини очища қандай метод ва усууллар қўллайсиз?
8. Лексик материални нутқ вазиятида кўллаш қандай ахамиятга эга?
9. Лексикани ўзлаштиришда қандай машқлардан фойдаланамиз?

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Гез Н.И., Ляховицкий. М.В, Миролюбов А.А. и др. Методика обучения иностранным языкам в средней школе 1982г.
2. Миролюбова А.А, и др. Теоретические основы обучения иностранным языкам в средней школе. М. 1981.
3. Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам. М.1977
4. Бим И.Л. Методика обучения иностраннъем языкам как наука и проблема школьного учебника. М. 1977
5. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Т.1996
6. Пассов Е.И. и др. Беседы об уроке иностранного языка. Л. 1977.

## 7- маъруза

**Турли ўқув муассасаларида чет тил нутқ фаолияти турларини ўргатиш  
Мавзу: Чет тилда тинглаб тушунишни ўргатиш**

### РЕЖА:

1. Кириш. Нутқ фаолияти ва унинг турлари
2. Оғзаки нутқ турлари
3. Тинглаб тушунишнинг психофизиологик хусусиятлари
4. Чет тилда тинглаб тушунишни ўргатишнинг қийинчиликлари
5. Турли ўқув юртларининг, турли босқичларида тинглаб тушунишни ўргатиш хусусиятлари
6. Тинглаб тушуниш машқлари тизими
7. Тинглаб тушунишни ўргатишда ноанъанавий воситалардан фойдаланиш.

Талабаларни диққатини талаб қилиш саволи;

1. Нима учун “оғзаки ва ёзма нутқ” фаолияти турларига бўлишади?
2. Рецептив ва репродуктив турлари ҳам борми?

Маълумки, рухшуносликда нутқ фаолияти тўрт турга бўлинади; иккитаси-оғзаки ва иккитаси –ёзма нутқ фаолиятидир.

Оғзаки нутқ – тинглаб тушуниш, гапириш.

Ёзма нутқ – ёзув, ўқиши.

### Савол:

- “Таржима”ни нутқ фаолияти турларига киритамиزمи?
- Нима учун?

### Таржима

Чет тилда нутқ фаолиятини ўргатиш рухшуносликда, яъни психолингвистика фани таржима ҳам қўшилади деб ҳисоблайдилар (Лев Семенович Виготский ва унинг шогирдлари) ва тўрттала нутқ фаолияти билан боғлиқлигини таъкидлайдилар.

Чет тил ўргатиш рухшунослигига тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиши, ёзув ва таржима нутқ фаолияти бўлгани сабабли, ҳар қандай фаолият каби улар ҳам ўз таркибига эга. Уни шаклан қуйидагича тасаввур қилиш мумкин. Ҳар бир нутқ фаолиятининг қандай “харакат” ва “операция”лардан ташкил топганлиги чет тил ўқитиш методикасида муҳим аҳамият касб этади ва ҳар бирини шакллантириш учун ўзига мос йўл – йўриқлар танлаш имконини беради.

Нутқ фаолияти турларини ҳар хил гурухга ажратишга келсак, айрим олимлар уларни

- Рецептив – репродуктив – продуктив
- Фаол – нофаол нутқ
- Тайёрланган ёки тайёрланмаган нутқ шаклларига ажратишади.

Нутқ механизми, нутқнинг содир бўлиши –туғилиши назарияси А.Н.Леонтьев, А.А.Леонтьев, И.А.Зимняя ва бошқаларнинг чет тил таълими рухшунослигидаги тадқиқотларида ўрганилган. Аниқланишича, нутқ фаолияти мулоқотга эҳтиёжнинг мавжудлиги, мақсаднинг қўйилиши ва шунга мос восита – тил материалларининг жамланиши натижасида пайдо бўлади. Турли ўқув юртларида чет тил нутқ фаолиятини ўргатиш амалий мақсад сифатида белгиланган бўлсада мазмунан улар ҳар бир ўқув масканида турли даражада ўргатилади ва авваламбор чет тил дастурларида белгилаб берилади.

Нутқ фаолияти – мулоқотга ўргатиш яхлит бир методик муаммо бўлиб, турли нутқ фаолиятлари ўзаро узвий боғлиқликда ривожланса-да, уларни ўргатиш йўл-йўриқларини бирма-бир кўриб чиқамиз.

Тинглаб - тушуниш

## Аудирование

Тинглаб тушуниш оғзаки содир бўладиган рецептив нутқ фаолияти бўлиб, чет тил ўқитиш рухшунослиги таърифига кўра оғзаки нутқ оқимини эшитиш анализаторлари орқали қабул қилиб мазмунини тушунишга қаратилган мураккаб психофизиологик жараёндир. Тинглаб тушунишда эшитиш қобилияти, узоқ ва қисқа муддатли хотира, дикқат, ички нутқ ва таржима, таҳлил ва умумлаштириш каби руҳий жараёнлар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, антиципация –речевой прогноз олдиндан хис қилиш тинглаб тушуниш механизмида муҳим ўрин тутади.

Тинглаб тушуниш орқали ахборот олиш, унинг психофизиологик механизмига кўра, энг мураккаб жараёнларидан бири бўлгани учун ҳам, қатор қийинчиликлари мавжуд. Уларнинг юзага келиш сабабларига кўра айримларини кўриб чиқамиз.

### 1. Руҳий қийинчиликлар;

- а) тинглаб тушунишда асосан битта анализаторнинг иштирок этиши сабабли содир бўладиган қийинчиликлар, тингланаётган матннинг кўз олдида бўлмаслиги;
- б) табиатда тингланаётган ахборотнинг орқага қайтариб бўлмаслиги;
- в) нутқ оқими тезлиги билан тинглаб тушуниш тезлигининг мос келмаслиги;
- г) дикқат ва қисқа муддатли хотиранинг чегаралангандиги;
- д) ички нутқ ва ички таржиманинг айрим ҳолларда ҳалал бериши ва бошқалар;

### 2. Тилшунослик қийинчиликлари;

Тингланаётган нутқ оқимининг шаклига кўра ҳам қатор қийинчиликлар юзага келади, хусусан

- Якка нутқни (монолог) тинглашдаги қийинчиликлар;
- Жуфт нутқни (диалог) тинглаб тушунишдаги қийинчиликлар;
- Гурӯҳ нутқни (полилог) тинглаб тушунишдаги қийинчиликлар.

Санаб ўтилган қийинчиликлар фақат тингловчи учунгина муаммо бўлмай, балки муаллим учун ҳам аҳамият касб этади, чунки уларни билмай ва олдини олмай туриб тинглаб тушунишни ўргатиш қийин.

1964 йилда рус рухшунос олими И.А.Кочкина тинглаб тушуниш нутқ фаолиятини ифодалаш мақсадида “аудирование” атамасини киритади.

Турли ўқув юртлари чет тил дастурларида тинглаб тушунишни қай даражада ўргатиш меъёри белгилаб берилади. Унга кўра чет тил таълимининг ҳар бир босқичида тинглаб тушуниш малакалари кўрсатилган, масалан солишириамиз:

А)чет тил олий ўқув юрти талабаси 1-босқич охирига келиб 220 бўғин мин.тезлигига ёзилган 2% нотаниш сўзи бўлган ўқув аудиоматнин тинглаб тушунишни ўрганиши лозим.

Б)ўрта умум таълим мактабининг 5-синф ўқувчилари эса ўртача тезликда ёзилган 1% нотаниш сўzlари бўлган аудиоматнин ва муаллим нутқини тинглаб тушуниши талаб этилади.

В)мактабгача тарбия масканларида эса фақатгина ўқитувчи нутқини тинглаб тушуниш назарда тутилади.

Худди шу йўналишда бошқа ўқув муассасаларида ҳам кўрсатилган.

Чет тил таълимининг турли босқичларида тинглаб тушунишни ўргатишга турлича ёндошиш керак бўлади, яъни тинглаб тушуниш механизмларидан келиб чиқиб, уларни шакллантириш йўл-йўриклари танланади.

Турли ўқув юртларининг бошланғич босқичларда асосан янги тил материалини тинглаб тушунишдан бошланади. Маълумки, методика тарихида оғзаки нутқни ривожлантиришга қаратилган “оғзаки метод” (тўғри метод)нинг асосчиларидан Х.Палмер “tingлаб тушуниш” нутқни ўстиришда пойдевордир деб хисоблайди. Шунинг учун бошланғич босқичда ўқувчи аввало нутқ тинглаб, унда “чўмилиши” керак деб хисоблайди. Бу билан у ушбу нутқ фаолиятининг нафақат бошқа нутқ фаолияти турларини ўргатишда, балки умуман чет тил ўргатишда ҳам амалий мақсад, ҳам восита сифатида хизмат қилишини кўрсатади; масалан эшитмай туриб гапириб, ўқиб, ёзиб ёки таржима қилиб бўлмайди.

Рухшунос олимларнинг таъкидлашларича, бошқа нутқ фволиятлари билан таққослаганда тинглаб тушуниш орқали 16 марта кўп ахборот қабул қилинади.

Бошланғич босқичда оғзаки нутқнинг илгарилаши тамойилига кўра тинглаб тушуниш ва гапириш, яъни оғзаки нутқ янги материаллар тақдимоти ва бошқа ҳолларда илгари юрсада барча нутқ фаолиятларини ўргатиш баравар олиб борилади. Тинглаб тушунишни ўргатишда бошланғич босқич энг масъулиятли давр ҳисобданади. Тинглаб тушунишни ўргатиш машқлари тизими 2 гурухга ажратилади (бу ҳақда методикада турли қарашлар мавжуд)

1-Гурух машқлари мақсадига кўра рухшунослик ва тилшунослик қийинчиликлар олдини олиш – шаклга йўналтирилган машқлардир. Бундай машқлар асосан эшитиш тезлигини оширишга, хотира ҳажмини кенгайтиришга, лексик, грамматик талаффуз малакаларини ўстиришга қаратилади.

2 – Гурух машқлар эса кўпроқ мазмунга-мантиққа йўналтирилган бўлиб, меъёридаги нутқ оқимини маълум тил қийинчиликлардан қатъий назар мустақил тинглаб тушунишни ўргатишга қаратилган бўлади.

Тинглаб тушунишни ўргатишда ўқитувчининг нутқи муҳим аҳамиятга эга, чунки бу соҳада илк қадам дарс берувчининг буйруқларини тинглаб тушунишдан бошланади. Шу сабабли ҳам ўқитувчининг нутқи қатор талабларга жавоб берадиган бўлиши зарур. Ҳозирги кунда тинглаб тушуниш малакаларини ўстириш учун турли техникавий воситалар ҳам таълим жараённида кенг қўлланилади, бу эса тингловчига турли кишиларнинг аёл ёки эркақ, ёш бола ёки қизалоқ овозларини тушуна олиш турли тезликдаги, таянчли ёки таянчсиз, табиий ёки сунъий нутқ оқимини тинглаб тушуна олиш малакаларини ўргатишга ёрдам беради.

Тинглаб тушунишни ўргатиш масалаларидан бири матнлар, уларнинг ҳажми, мазмуни ва мақсадга мувофиқлигини танлаш ёки тузиш, уларни қийин ёки осонлигини аниқлаш мезонлари муаммоларидир.

Матнлар устида ишлаш З босқичдан иборат:

- а) матн олди ишлари
- б) матн устида ишлаш
- в) матндан сўнгги иш (кўп ҳолларда матнни тушунганлигини текширишга қаратилади).

Ҳар бир босқич ўз мақсад ва вазифасига эга бўлиб, а) босқичида тинглаб тушуниш учун бериладиган матннинг шаклий қийинчиликлари бартараф қилинади; б) босқичида диққат эътибор матн мазмунини тинглаб тушунишга йўналтирилади; в) босқичида эса тушунганлик текширилади.

### **Терминлар, методик тушунчалар**

1. аудированиe
2. рецептив нутқ фаолияти тури-ўқиши ва тинглаб тушуниш
3. мотивация
4. тинглаб тушунишга оид қийинчиликлар
5. аудированиенинг психофизиологик механизми

### **Мұхокама учун савол ва топшириқлар:**

1. Тинглаб тушуниш қандай фаолият тури?
2. Нима учун тинглаб тушуниш оғзаки нутқнинг ажралмас қисми хисобланади? У орқали маълумот қабул қилинадими ёки узатиладими?
3. Ўқувчи тинглаб тушунаётганда қандай қийинчиликларга дуч келади?
4. Ўқитувчи нутқини тинглаб тушуниш осонми ёки техник воситаларданми?
5. Ўқувчиларнинг тинглаб тушунганиларини қандай текширасиз?
6. Тинглаб тушунишни ўргатишда қандай машқлардан фойдаланамиз?

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Турли типдаги ўқув юртлари учун чет тилдан жорий дастурлар. Т.1999
2. Ж.Жалолов. Чет тил ўқитиши методикаси. Тошкент, “Ўқитувчи” 1996
3. И.А.Зимняя. Психология слушания и говорения А.Д.Д М-1973

## **8-Маъруза**

### **Мавзу: Гапиришни ўргатиш**

#### **РЕЖА:**

1. Гапириш –нутқ фаолиятининг оғзаки туридир. Турли типдаги ўқув юртларида гапиришни ўргатиш бўйича дастурий талаблар
2. Гапиришнинг психофизиологик механизми
3. Гапириш турлари
4. Гапиришни ўргатишида нутқий вазият
5. Гапиришни ўргатиш машқлари тизими

Талабаларни диққатини жалб қилиш саволи:

1. Гапиришда “фикр” ифодаланади, тўғрими?
2. Фикрни ўзи қандай келиб чиқади?
3. “Эҳтиёж тушунчасини қандай тушунасиз?

Гапириш-нутқ фаолиятининг оғзаки туридир, шунинг учун ҳам гапириш тинглаб тушуниш билан узвий боғлиқ ҳолда ўргатилади, айниқса жуфт шаклида сухбатлашишда тинглаб тушунмай гаплашиб бўлмайди.

Гапириш механизми тўғрисидаги таълимот, юкорида айтиб ўтилганидек, рухшуносликда, жумладан чет тил таълими рухшунослигида (А.А.Леонтьев, И.А.Зимняя ва бошқалар) яхши тадқиқ этилган. Ушбу таълимотга кўра гапиравчида аввало фикр туғилади ва уни айтишга эҳтиёжни хис қилиши зарур, сўнгра танлов механизми ишга тушади, яъни сўзловчи ўз хотирасидан фикрни баёни учун зарур бўлган тил материалини танлаб топиши керак бўлади ва уларни ўзаро боғлайди-да талаффузга (артикуляция) чиқаради. Ушбу механизмда артикуляция талаффуз босқичи ҳам 2 бўлимдан иборат бўлиб, аввало жуда қисқартирилган ички талаффуз (ички нутқ) ва сиртқи –овоз чиқариб талаффуз этиш босқичларига эгадир. Ички нутқ сиртқи нутқка нисбатан фикрнинг аниқ тил воситалари билан тўла таъминланган ташқи талаффуз аъзолари иштироки орқали содир этиладиган нутқ шаклидир.

Лекин, чет тilda гапиришни ўргатиша асосан олимлар, мутахассислар гапиришнинг монолог ва диалог турларини ўргатиш масалалари ҳақида фикр юритадилар; гуруҳ нутқ тури табиатан мавжуд бўлсада, полилогни ўргатиш йўл-йўриқлари ҳақида фикрлар жуда кам, машқлар ҳақида ҳам алоҳида тадқиқот етарли эмас. Полилогни ўргатиш диалог нутқни ўргатиш методикасига қўшиб юборилади деса ҳам бўлади.

Гапиришнинг бу турларини таърифлашда кўпинча уларнинг психофизиологик ва тилшунослик фарқлари солиштирилиб, уларни ўргатиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган: масалан якка нутқ – монолог бу турдаги мулоқотда иштирок этувчиларга нисбатан 1 кишининг нутқи бўлиб (сухбатдош) тингловчига бевосита ёки билвосита йўналтирилган бўлади. Бевосита якка нутқ тингловчи гапиравчи олдида бўлади ва якка нутқ унга қаратилган бўлади, лекин тингловчи сўзловчи нутқига аралашмай тинглайди. Билвосита якка нутқда эса тингловчи сўзловчи хузурида бўлмайди ва нутқ мавҳум тингловчига қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам якка нутқ тил жиҳатидан мукаммал, гаплар тўлиқ, синтактик ва стил жиҳатидан мураккаб тартибли бўлади, қолаверса ушбу нутқ турида нолисоний-экстраглигистик (паралингвистика соҳаси) воситалар бўлмайди. Якка нутқнинг ахборот, баён, таҳлил, тасвир, тавсиф каби шакларини фарқлаш мумкин. Айниқса билвосита якка нутқ ёзма нутқ шаклига яқин бўлиб, кўпинча ёзма баён этилади. Ҳар қандай якка нутқда аниқ режага асосан фикр юритилади: тахминан ҳар қандай монологнинг кириш қисми, асосий қисм ва хулоса қисмлари бўлиб, оғзаки ёки ёзма шаклда юз бериши мумкин.

Жуфт нутқ-икки сухбатдош ўртасидаги мулокот бўлиб, якка нутқдан фарқланади.

Аввало жуфт нутқ тингловчи-сухбатдошга қаратилган нутқ ,шунинг учун бундай нутқда олдиндан тайёргарлик кўриб гаплашиш имконияти бўлмайди, мавзу тез ўзгариши ва уни режалаштириб айтиш қийин. Жуфт нутқ сухбатдош шерикларнинг юзма-юз мулокоти эканлиги сабабли уларнинг савияси,қизиқишлиари,тил тажрибаларининг турлича бўлиши мумкинлиги,албатта нутқнинг сфатига таъсир этади.

Тилшунослик жихатидан қаралганда жуфт нутқда жумлалар киска,мавзу ўзгарувчан,луқмаларга,ифодаларга,ҳис-ҳаяжон ва имо-ишораларга бой нутқдир. Сухбатдошларнинг ҳатти-ҳаракат,имо-ишоралари тил воситаларининг қисқариб кетишга омил хизмат қиласди. Жуфт нутқда, юқорида таъкидланганидек,нутқ луқмаларининг яъни,нутққа ундовчи тил бирликларининг аҳамияти катта,чунки бу луқмалар нутқни узлуксиз давом этишига, шерикларнинг сухбати узилиб қолмаслигига хизмат қиласди. Таркибиға кўра луқмалар содда ёки мураккаб қисмли бўлиши мумкин.

## **Маъruzанинг II қисми**

1. Диалог бирламчими ёки монолог?
2. Полилог тушунчасига сиз қандай қарайсиз?

Гапиришни ҳамма турларини ўргатишда нутқ вазиятлари мухим аҳамиятга эга. Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай нутқ, айниқса гапириш механизмини таркибий қисмларидан бири эҳтиёж-мотив (туртки)нинг мавжудлигидир. Гапиришга эҳтиёж бўлмаса фикр ҳам пайдо бўлмайди, соғлом киши фикр-мазмунсиз гапирмайди. Шундай экан мана шу мотив –эҳтиёжни пайдо қилишда, айниқса сунъий шарт –шароитларда чет тил ўргатишда; нутқ вазиятлари ёрдам беради. Нутқ вазиятлари –ситуациялари бу гапиришга туртки берувчи шарт –шароитлардир. Улар табиий ёки сунъий бўлиши мумкин. Табиий нутқ вазиятларига-тили ўрганилаётган мамлакатда бўлиш; чет тилда ўтказиладиган турли анжуман, саёҳат, экспурсияларда қатнашиш, билан мулокотда бўлиш ва ҳ.к.лар киради.

Сунъий нутқ вазиятлари эса тил ўргатиш мақсадида турли воситалардан фойдаланиб ташкил қилинган шарт-шароитлардир. Буларга тасвирий воситалар; аудио-визуал воситалар, тил (вербал) воситалар ёрдамида ташкил этилган нутқ вазиятлари киради.

Мумтоз методика саҳифаларида гапиришни ўргатиш машқлар тизимини 2 гурӯхга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: тил-тайёрлов машқлари, ҳамда нутқ машқлари. Албатта лўнда қилиб шундай тизимни қўлласа ҳам бўлади,лекин гапириш механизми ва унинг таркибидаги операцияларни бирма-бир таҳлил қилинса бир неча босқичли машқлар тизими гапиришни ўргатиш учун зарурлигини қайта кўриш мумкин. Назаримизда И.В.Рахимовнинг ва унинг издошлари санаб ўтган 3 босқичли машқлар тизими нутқ фаолиятини ўргатиш учун мос келади.

## **Терминлар, методик тушунчалар**

- |                       |            |
|-----------------------|------------|
| 1. монолог-якка нутқ  | 6.дедукция |
| 2. диалог-жуфт нутқ   | 7.индукция |
| 3. полилог-гуруҳ нутқ | 8.вазият   |
| 4. луқма              | 9.ҳолат    |
| 5. диалогик бирлик    |            |

## **Муҳокама учун савол ва топшириқлар:**

1. Гапириш қандай нутқ фаолияти тури ҳисобланади?
2. Гапириш орқали маълумот бериладими ёки олинадими?
3. Гапиришни ўргатаётганингизда олдин нималарни ўргатишингиз зарур?
4. Луқмани қандай тушунасиз, у неча хил бўлади?
5. Диалогик нутқни ўргатишни сўзлаб беринг.
6. Монологик нутқни қандай ўргатасиз?
7. Нутқ вазияти деганда нимани тушунасиз ва ундан қандай фойдаланасиз?

8. Француз тил ўргатишда ўйин ва қўшиқ ўйнатиш ва ўргатишдан мақсад нима? Уларни қўллаш орқали француз тили ўргатиладими ёки ўйин ўйнашга ва қўшиқ айтишга ўргатиладими?
9. Француз тили ўргатишда ўқитувчи нутқининг аҳамияти ҳақида гапиринг.
10. Ҳар дарсда нутқ машғулоти ўтказиш шартми?

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. Жалолов Ж..Ж.. Чет тил ўқитиши методикаси Т.1996
2. Зимняя И.А Психология слушания и говорения А.Д.Д. М.1973
3. Рахманов И.В. Обучение устной речи М.1973

## **9-маъруза**

### **МАВЗУ: Ўқишини ва ёзувни ўргатиш**

**Режа:**

1. Ўқиши-нутқи фаолиятиниң рецептив туриди
2. Ўқишининг психофизиологик механизми-ўқиши техникаси
3. Ўқишининг бошқа нутқи фаолиятлари тизимида тутган ўрни
4. Ўқиши турлари ва шакллари
5. Ўқиши учун матнлар танлаш тамойиллари
6. Ўқиши ўргатиш машқлари тизими
7. Ўқиши малакаси шаклланганлигини текшириш
8. Ўқиши ўргатишда ноанъанавий ўқув воситаларидан фойдаланиш

Талабаларни диққатини жалб қилиш саволлари:

1. “Ўқиши” нима учун рецептив турга киради?
2. Ўқиши техникасига “оҳанг” кирадими?

Ўқиши –нутқи фаолиятиниң рецептив тури бўлиб, кўриш сезгилари орқали ёзма ахборотни қабул қилиб унинг мазмунини тушуниш фаолиятиди. Албатта бунда эшитиш анализатори ва талаффуз аъзолари ҳам фаол иштирок қиласи, бу эса ўқиши фаолиятиниң тинглаб тушуниш гапириш билан узвий боғлиқлигидан далолат беради, қолаверса ўқиши ёзма нутқи билан боғлиқ бўлгани учун ёзув билан, мазмунни тушуниш учун ўйналтирилганлиги билан ички таржима билан ҳам мустаҳкам алоқадордир.

Чет тилда ўқиши фаолияти жуда мураккаб жараён бўлиб, уни учбурчак шаклда тасаввур қилиш мумкин. Ўқишининг психофизиологик механизми рухшунослиқда, жумладан чет тиллар ўқитиш рухшунослигига тадқиқ этилган.

Тиллар ўқитиш методикаси тарихидан маълумки, тўғри метод намояндадаридан бири М.Уэст ўқиши фаолиятига жуда аниқ баҳо берган ва чет тил ўқитишнинг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблаган. Турли типдаги ўқув юртларининг дастурларида ҳам замонавий ўқиши малакаси амалий мақсаднинг таркибий қисмидан бири ҳисобланниб, таълимнинг турли босқичларида мақсад ёки восита сифатида қаралади.

Ўқиши-чет тил ўқитишнинг барча ўқув юртларида ўргатилади. Ўқиши-восита бўлганда, бошқа нутқи фаолиятларини ривожлантиришга ёрдам берад, ҳамда ўз таълим мазмунига эга бўлмайди.

Турли типдаги ўқув юртлари дастурларига эътибор қилсан, ўқиши асосий ахборот олиш манбайи сифатида чет тил таълимнинг, айниқса, юқори босқичларида мақсад қилиб қўйилган (масалан: ўртаумум таълим мактаблари, келажакда бу академик лицейларнинг юқори босқичлари).

Чет тил мутахассислиги олий ўқув юртлари ва факультетларида ўқиши малакасига қўйилган талаблар жуда юқори, масалан 1 босқичда ўқиб 70-75% ахборот олиш мақсад қилиб белгиланган. Худди шу каби кейинги босқичларда ҳам ўқишидан қандай мақсадлар кўзланганлигини дастурларда берилган.

Ўқишининг амалий мақсад сифатида ўргатилишига сабаблардан яна бири шуки, ҳар қандай мутахассиснинг асосий ахборот алмашиш қуроли ўқиши фаолиятиди, кадрларни касбга тайёрлашда чет тилда ўқиши малакаси асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

#### **Маърузанинг II қисми**

Сиз ҳаётингизда қандай қилиб газета мақолаларини ўқийсиз?

Ўқиши ўргатиш методикаси ўз ичига ҳар хил ўқиши шакллари ва турларини ўргатиш масалаларини олади. Замонавий методик асарларда ўқишининг ҳар хил турлари ҳақида фикр юритилади.

Бугунги жорий дастур,дарслик ва бошқа ўкув воситаларида ўқишининг асосий З тури қабул қилинган. Ушбу ўқиш турларини проф. С.К.Фоломкина ўз докторлик илмий тадқиқотида аниқлаб методикага киритган. Улар қуйидагилар:

1. (Ознакомительное чтение)-танишиш учун ўқиш; бунда асосий мақсад матннинг умумий мавзусини аниқлашга йўналтирилган бўлиб, бунда матнни тушуниш даражаси юқори бўлмайди, бу ўқиш натижасида ўкувчи матнни чуқур ўқиш керакли ёки йўқлигини аниқлайди.
2. (Просмотровое чтение) –кўз югуртириб ўқиш (юзаки ўқиш)да асосий эътибор шаклга ва қисман мазмунга йўналтирилади, мақсад –матннинг ўқиб ахборот олиш учун қай даражада аҳамиятли эканини аниқлашдан иборат. Бундай ўқиш турида матннинг ҳарфбошлари (абзац) кичик сарлавҳалари, курсив билан ажратиб берилган ёзувлари, расм ёки чизмаларини ҳам кўриб чиқиш учун муҳим аҳамият касб этади.
3. (Изучающее чтение)-синчиклаб ўқишининг асосий мақсади иложи борича тўлиқ ахборот олишга қаратилади, зарур бўлганда луғат ва сўровномалар, қўргазмали воситалардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин ва матнни тушуниш 100% га яқинлашиб боради.

Ўқишининг учала тури ҳам шаклан ҳар хил бўлиши мумкин:

- Овоз чиқариб ёки чиқармай ўқиш
- Луғатли ёки луғатсиз ўқиш
- Якка ёки жўр бўлиб ўқиш
- Аудитория ёки уйда ўқиш
- Аналитик ёки синтетик ўқиш
- Таржимали ёки таржимасиз ўқиш
- Тайёрланган ёки тайёрланмаган ўқиш ва бошқалар.

Ўқиши ўргатишда ўкув матнлари, уларни танлаш, осон ёки қийинлиги даражасини аниқлаш мезонлари; матнларни қисқартириш ва осонлаштириш (адаптация) муаммоларига дуч келамиз.

Тадқиқотларда аниқланишича ўсмир ёшидаги ўкувчилар илмий оммабоп матнларни ўқишига қизиқишилари юқори эканлиги аниқланган. Матнларнинг осон ёки қийинлигига, ўкувчининг руҳий хусусиятларига монандлигини аниқлашнинг ҳам ўзига хос йўллари мавжуд.

Бирон бир ўқиш тури учун мўлжалланган матн устида ишлашнинг 4 босқичи бор:

- А)матнгача бўлган босқич
- Б)матн билан ишлаш босқичи
- В)матндан кейинги босқич
- Г)ижодий босқич

Ҳар бир босқич ўз максад ва мазмунига, машқлар турига эгадир

Ўқиши ўргатиш машқлар тизими 2 гурӯхга бўлинади.

1. Ўқиш шаклига йўналтирилган-тил-тайёрлов машқлари
2. Мазмунга йўналтирилган-нутқ машқлари.

### **Терминлар, методик тушунчалар**

1. нутқ фаолиятининг рецептив тури
2. психофизиологик механизм
3. кўриш сезгилари
4. ўқиш малака ва қўнималари
5. асосий ахборот олиш манбай
6. ўқиш малакаси
7. танишиш учун ўқиш
8. кўз югуртириб ўқиш

9. синчиклаб ўқиш
10. матн олди босқичи
11. матн устида ишлаш босқичи
12. матндан кейинги босқич
13. изходий босқич
14. шаклга йўналтирилган ўқиш
15. мазмунга йўналтирилган ўқиш

**Муҳокама учун савол ва топшириқлар:**

1. Ўқишининг психофизиологик механизмини тушунтиринг.
2. Ўқиши мақсад ва восита сифатида қандай таърифланади?
3. Танишиш учун ўқиши тури тўғрисида нималарни биласиз?
4. Кўз юргутириб ўқиши қандай тушунасиз?
5. Синчиклаб ўқиши малакаларини айтинг?
6. Ўқишининг қайси тури мактаб (лицей, олий ўқув юртлари, маҳсус олий ўқув юртлари)да ўргатилади?
7. Ўқиши ўргатиш учун мўлжалланган машқларни кўрсатинг.

**АДАБИЁТЛАР**

1. С.К.Фоломкина Методика обучения чтению на английском языке в средней школе. АДД М. 1974
2. З.И. Клычникова Психологические особенности обучения чтению на ин.яз. М.1983
3. Гез Н.И., Ляховицкий М.В., Миролюбов А.А. и др. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. 1982
4. Демьяненко М.Я. и др. Основы общей методики обучения иностранным языкам. Киев 1976
5. Жалолов Ж..Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Т.1996.
6. Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе. М.1981 Под.ред.А.А.Мирлюбова и др.

## **10 – м а ғ р у з а .**

**Ўрта умум таълим мактаблар, академик лицей, касб – ҳунар колледжларида чет тили ўқитиши жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш.**

### **Р е ж а :**

1. Чет тили дарси ва уни режалаштириш.
2. Мажбурий бўлмаган курс.
  - а) чет тилидан синфдан, мактабдан, аудиториядан ташқари ишлар.
  - б) факультатив машғулотлар.

### **Т а й ё р г а р л и к ж а р а ё н и № 1**

Ўқитувчи “ақлий хужум методидан” фойдаланиб “режалаштириш” сўзини мазмунини аниқлайди.

### **М а ғ р у з а н и б и р и н ч и қ и с м и н и т и н г л а ш .**

1. Ўқитиши тушунчаси қамровига муаллим ва ўқувчи фаолияти ҳамда ушбу жараённинг ташкилий шакллари киради. Дарс деганда, ўқув фаолиятининг айрим бир бўлаги тушунилади. (Ж. Жалолов).

Дарс – педагогик асадар (М.Н. Скаткин). “Чет тили дарси” атамасини эшитганда ва ўқиганда, унинг мақсади, турлари, босқичлари ва дарс режаси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

**Дарснинг мақсади.** Чет тили дарси бошқа ўқув предметларидан икки тарафи, яъни дарс мақсади ва мазмuni билан фарқ қиласди. Ушбу предмет дарсларида нутқ ўргатилади. Чет тилда ўқувчи тайёрлов ва нутқ машқлари бажариш билан банд бўлади. Чет тили дарснинг асосий хусусияти унинг амалий, яъни нутқий йўналганлигидир. Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни амалда эгаллайдилар.

Таълим жараёнини ташкил қилиниши бевосита дарс мақсади билан боғлиқ. Мақсад фаолият бажарувчининг маёғидир. (Ж.Жалолов).

**Дарс турлари.** Ўтган асримизнинг 60 йилларидан бошлаб чет тили дарслари икки турга бўлинадиган бўлди. Етакчи методист олимлар таърифича, соф нутқ дарси (СНД) ва аралаш нутқ дарси(АНД) номлари пайдо бўлган. (Ж. Жалолов).

В.А.Бухбиндер чет тили дарсларини коммуникатив йўналишларига қараб 2 типга бўлиб, уларни дидактик моделларини тузиб чиқди. У биринчи типни соф нутқ дарслари, иккинчи типни эса аралаш нутқ дарс типлари деб атади.

Соф нутқ дарслари асосан нутқни ўргатишга қаратилса, аралаш дарс эса нутқни ўргатишдан ташқари тил материалларини ўргатиш, ўзлаштириш, мустаҳкамлашни ўз ичига олади. У иккала типларни дарс турларига ажратиб, уларни ўзгармайдиган, ўзгарувчан қисмларини аниқлаб кўрсатади.

Ўзгармайдиган қисмларга: 1) дарснинг бошланиши; 2) нутқ қисми; 3)дарснинг яқуний баҳолашни киргизади.

Ўзгарувчан қисмларга: 1) материални киритиш фрагментлари;

2) тил материалларни ўзлаштириш, мустаҳкамлашни киритади.

**Дарс босқичлари.** Ҳозирги чет тили дарси уч босқичдан иборат: дарснинг бошланиши асосий қисм ва яқуний босқич.

**Дарснинг бошланиши.** Муаллим дарсга кириб биринчи қиласиган юмуши синфда нутқ муҳитини яратишдир. Чет тилда ўқувчи дарсдан бошқа жойда нутқ фаолияти юритмаслиги туфайли сунъий муҳит яратиш босқичи ажратилади. Дарсни бошланишида ўқувчилар жуфт нутқ бажаришлари ижобий самара беради.

**Дарснинг асосий қисми.** Мазкур босқичда дарснинг мақсади рўёбга чиқарилади. Уйда ўқилган матннинг тушунганлик даражасини текшириш, яъни материал тақдимоти ҳам шу босқичда бажарилади.

**Дарснинг яқуний босқичи.** Муаллим дарсга яқун ясар экан, эришилган натижани қисқача таҳлил этади, ўқувчилар фаолиятини изоҳлаб баҳолайди ва навбатдаги дарсга вазифалар беради.

## **2-қисм. Талабаларга савол: Ўқув жараёнини режалаштириш нима учун керак? Режалаштириш.**

Чет тили ўргатишнинг унумдор ва мақсадга мувофик бўлиши ўқув жараёнини тўғри режалаштиришга боғлиқдир.

Режалаштириш муддати, мазмуни бўйича бир нечта турларга бўлиш мумкин. Муддати бўйича режалар 4 га бўлинади.

1. бир ўқув йили ёки тўрт чораклик;
2. ярим ўқув йили учун ёки 2 чораклик;
3. бир чораклик;
4. бир соатлик;

Мазмуни бўйича эса икки турга бўлинади;

1. тақвим-мавзуйй режа
2. бир соатлик ёки кундалик режа

Тақвим, яъни йиллик режа одатда дарслик муаллифлари томонидан тузилади. Уни тузишда дастур талаблари, ўқув-методик мажмуя мазмуни ва тузилиши, ўқувчилар ёш хусусиятлари ва замонавий дарслик назарияси ҳисобга олинади. Йиллик режа ярим йиллик, чорак режаларидан ташкил топади. Унинг таркибига мавзуу режалари ҳам киради. Ҳар бир мавзуга ажратиладиган дарс соатлари аниқланади, кўнишка ва малакаларни таҳминий даражаси кўрсатилади, ўтказиладиган дарс муддати белгиланади. Йиллик режада юз берадиган ўзгаришлар ярим йиллик – чорак режаларда ўз аксини топади. Ярим йиллик режаларни шаҳар ёки туман ўқитувчилари бирлашмаси тузади. Календар тематик режада ҳар бир мавзунинг тил материали нутқ фаолияти турлари ва дарс тизими машғулотларига бўлинади. Ўқитувчи тақвим-мавзуйй режа тузабётганда дарс мавзусини, асосий ва қўшимча вазифаларни, жиҳоз ва воситаларни белгилайди. У ўқувчиларнинг талаффуз, лексика, грамматика бўйича ўзлаштира оладиган тил ҳамда илгаридан шакллантириледиган, ривожлантириледиган малака кўникмаларни, қўшимча машқларни, вазифаларни чегаралайди.

Йиллик ва тақвим-мавзуйй режаларга ижодий методик ўзгаришларни ўқитувчи киритиши мумкин, лекин тил материали ўзгармайди.

Бир соатлик дарс режасини ҳар қайси ўқитувчи ўзи тузади.

**9-синф учун тақвим-мавзуйй режа чизмасини қўйидагича ифодалаш мумкин:**

дарс	Дарс соатлари	Дарс мавзуси	Дарснинг вазифаси	Тил материалы			Нутқ фаолияти турлари			Дарс жихозлари	Уй вазифаси	Дарс ўтилладиган вақт (муддат)
				Фонетик	Лексик	Грамматик	Тинглаш	гапириш	Ўқиш			

Бир соатлик дарс режаси. Мавзуйй режага суюнган ҳолда дарс конспекти (режаси) ёзилади. Бир соатлик дарс режаси деганда дарсда ўтказиладиган машқлар ва бошқа барча ишларнинг аниқ тасвири ва уларга сарфланадиган вақт миқдори ўлчови кўрсатиладиган дарс режаси тушунилади. Режани тузишда ўқитувчи чет тили дарсига қўйиладиган талабларни ҳисобга олади. Дарс режасини лойиҳаси қўйидагича бўлади:

Синф

сана

Дарс мавзуси

Дарснинг мақсади

Тарбиявий, таълимий, ривожланувчи мақсад

## Жиҳозлаш

- I. Дарснинг бориши
1. Дарснинг бошланиши
- 2) уйга вазифани текшириш

## II. Асосий қисм

- 3) янги мавзуни ўқитиш
- а) киритиш
- б) машқлар бажариш
- в) ўқиш
- г) ёзиш

## III. Якуний қисм

4. Баҳолаш
5. Уйга вазифа

Мавзу қисмида параграфнинг дарс машғулоти ёки нутқий мавзу кўрсатилади.

Дарснинг мақсади қисмида қайси нутқ фаолияти тури шу дарсда ривожлантирилиши ёзилади ва қандай тил материали ўтилиши берилади.

Тарбиявий, таълимий ва амалий мақсадлар ҳар бир дарсда намоён бўлади, уларни режада кўрсатмаса ҳам бўлади.

Дарснинг бориши З қисмдан иборат бўлади. Бошланиш қисмида саломлашиб, чет тил муҳити яратилади. Бунда ўқувчиларга ўқув ўйинлари тақдим этилиб, олиб борилади.

Уй вазифаси текширилиши мумкин. Албатта, ўқув ўйини шу дарснинг мақсади билан боғлиқ бўлиши керак. Асосий қисмда янги мавзу ўтилади: сўзларни семантизация қилиш ва нутқда қўллашни ўргатилади ёки грамматик материал киритилиб, бунинг учун дарсликдаги машқларни бажариш кўрсатилади.

Якуний қисмда ўқувчилар баҳоланади ва уй вазифаси берилиб хайрлашади. Дарс режасидаги ҳар бир бажариладиган машқ ва ундаги иш турига вақт белгиланади.

## Т а й ё р г а р л и к ж а р а ё н и № 2

1. Дарснинг бошланиш қисмида нутқ муҳитини яна қандай методлардан фойдаланиб яратган бўлардингиз? фикрингиз:
2. Сиз дарсда ўқитувчи фаолияти ва ўқувчилар бажарадиган амалларга сарфланадиган вақт миқдорий ўлчовини қандай тақсимлаган бўлардингиз? фикрингиз.

**Талабаларга савол: Мажбурий ва бўлмаган курс нима билан фарқ қиласи?**

## Маърузанинг иккинчи қисмини тинглаш.

Маълумки, мажбурий бўлмаган курс иккита йўл орқали амалга оширилади.

1. синфдан, аудиториядан, мактабдан, лицей ва колледжлардан ташқарида.
2. факультатив машғулотлар, яъни чет тилларини чукурлаштириб ўргатиш орқали. Дарса ва факультативдан ташқарида, жадвалга кирмайдиган, маҳсус ўқув дастурига эга бўлмаган, бироқ синф ва уй ишларининг узвий давоми сифатида ўтказиладиган таълимий тадбир, дарсдан ташқари иш мақомини олган. Ҳар бир ўқувчи дарсга қатнашиш ва факультатив ёки синфдан ташқари ишларда иштирок этиши ихтиёрий.

Дарсан ташқари ишлар кўпроқ тарбиявий йўналишда бўлиб, ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беради, ўқувчиларнинг чет тилидан билим, малака ва кўнилмаларини чукурлаштиради, оширади, ривожлантиради. Ўқувчиларни ватанпарварлик, байналминал руҳида тарбиялашга, катталарни меҳнатини ҳурмат қилишга ўргатади. Ўқитувчи бундай ишларни яхши, хилма – ҳил, қизиқарли ташкил қила олса, ўқувчиларни чет тилига қизикиши, ўқитувчига, инглиз тилига ҳурмати ортади.

Бунинг учун эса ўқитувчи дарсини яхши, қизиқарли ташкил қилиши, ўқувчиларни қизиқтириши зарур.

Синфдан, мактабдан ташқари ишлар чет тилида турли-хил нутқ фаолияти турларини ўстириш билан бирга тарбиявий таълимнинг йўналишда дарсдан ташқари ташкил килинади ўтказилади. Бундай ишларда ўқитувчига хақ тўланмайди.

А.А. Миролюбовнинг фикрига кўра, бундай ишларда ҳар бир чет тилининг хусусияти ўқувчиларнинг шахсий қизиқишлари, қобилиятлари ҳисобга олиниб, у иккита вазифани бажаради;

Биринчидан ўқувчиларнинг чет тилига қизиқишини оширади, билимини чуқурлаштиради, чет тилидан малака-кўникмаларни ривожлантиради.

Иккинчидан ўқувчиларнинг ғоявий, сиёсий, меҳнат, эстетик тарбиясини ривожлартириш учун бўш вақтни банд қиласди.

Ҳозир синфдан ва мактабдан ташқари ишларни якка, гурух бўлиб ишлаш ва оммавий ишлаш шаклига бўлинмоқда.

Якка ишлаш, шаклига ўқувчига меъёрни ўргатиш, монологни ёдлаш, ашулади ўргатиш, мақолани ёзишни ўргатиш, олимпиядага тайёрлаш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш каби турлари киради.

Гурух шаклига тўғарак шакли ҳам дейилади. Унда ўйин ўйнаш, гаплашиш, ўқиш, таржима қилиш, драма, адабиёт каби турлари киради.

Оммавий шаклда чет тилида кечалар, кувноқлар ва зукколар мусобақаси (КВН), дискотекаларни ташкил қилиш, фильм кўриш сўнг уни муҳокама қилиш каби турларини киргизиш мумкин.

Ж.Жалоловни фикрига кўра, факультатив машғулотлар ўқувчилар ҳохиш – истакларини инобатга олиб, чет тили бўйича икки турда жорий этилган. Ўқиши чуқурроқ ўргатиш ва оғзаки нутқ машғулотлари ўргатилади.

“Ўқиши чуқурроқ ўрганиш” факультатив курси.

Ушбу курснинг мақсади аниқ: соҳавий адабиётни ўқиб ўша фан ёки амалиёт бўйича билимини чуқурлаштириш.

Ўқишининг биринчи йилида (VIII – синфда) ўқувчиларнинг лексик грамматик бойлиги ошади. Луғатсиз ўқиши фаол машқ қилинади. Йил охирида луғат билан ўқиши ҳам зўр бериб ўргатила бошланади. Оғзаки нутқ малакалари V–VIII синф (мажбурий курс)нинг мавзулари ва тил материали заминида ўстириб борилади.

“Оғзаки нутқ ва ўқиши чуқурроқ ўргатиш” факультатив курси. Ўкув режасидаги факультатив соатларнинг ҳаммаси ушбу курсга ажратилади. Ўкувчи биргина шу курсга қатнайди, холос. Мазкур чет тилини келажакда мутахассислик мақомида танланган, уни яхши билишни тақозо этадиган амалий фаолиятга ҳаётини бағишишамоқчи бўлган ўқувчиларни бириттиради.

Факультатив курсда ўқувчиларга мамлакатимиз ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданий, спорт ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид мавзуларда сухбат қуриш, ахборот тушунишни ўргатилади.

Факультатив шароитида гапиришнинг қуйидаги (П.Б Гурвич таклиф қилган) асосий усусларидан фойдаланилади.

### **Якка нутқда гапириш.**

1. тингланган ва ўқилган матннинг мазмунини айтиб бериш;
2. ўқилган ва кўрилган нарса ёки ҳодисанинг қисқача мазмунини баён этиш;
3. кўрган ва ўқиганини танқидий таҳлил қилиш;
4. шахсий ҳаётидан ахборот бериш;
5. матбуот материали бўйича сиёсий воқеаларни сўзлаш;
6. маърузалар қилиш;
7. спорт ҳақида ахборот бериш.

### **Жуфт нутқда гапириш:**

1. ҳаётий мулоқот мақомидаги сухбат;
2. мунозаралар ўтқазиш;
3. ўқилган матннинг мазмунини ролларга кириб айтиш.

## **Таянч сўзлар**

- |                        |                    |                         |
|------------------------|--------------------|-------------------------|
| 1. дарс мавзуси.       | 10. режалаштириш.  |                         |
| 2. дарснинг мақсади.   | 11. режа турлари.  |                         |
| 3. дарс турлари.       | 12. мавзувий режа. |                         |
| 4. дарс босқичлари.    | 13. дарс режаси.   |                         |
| 5. дарснинг жиҳози.    | 14. дарс           | режасининг<br>лойихаси. |
| 6. дарснинг бошланиши. |                    |                         |
| 7. асосий қисми.       |                    |                         |
| 8. якуний қисми.       |                    |                         |
| 9. чет тили муҳити.    |                    |                         |

## **Мухокама учун савол ва топшириқлар:**

1. дарснинг турлари ва уларнинг кўринишларини айтиб беринг.
2. дарснинг босқичлари (қисмлари)нинг мақсадларини ва дарснинг мақсадини таҳлил қилинг.
3. чет тили дарсининг бошқа дарслардан фарқини аниқланг.
4. режалар турлдари ҳақида фикрингизни баён қилинг.
5. дарслик, ўқитувчи китоби (иш дафтари)дан фойдаланиб мавзувий режа тузинг.
6. дарс режасини дарслик, ўқитувчи китоби (иш дафтар)га асосланиб тузинг.

## **Адабиётлар**

1. Гез Н.И., Ляховицкий. М.В, Миролюбов А.А. и др. Методика обучения иностранным языкам в средней школе 1982г.
2. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиши методикаси. Т.1996.
3. Демяненко М.Я. и др. Основы общей методики обучения иностранным языкам. Киев 1976г.
4. Умумий ўрта таълим давлат стандарти ва дастури. 5-сон. Т. 1999й 55бет.
5. Основы методики обучения иностранным языкам в средней школе. М 1981й.